



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

8 декабрь –
*Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинган кун*



СУДЬЯЛАР БИРИНЧИ МИЛЛИЙ

Барчамиз биламизки, йиллар давомида судьялар ҳамжамияти давлатимизнинг ривожига ва юксалиши учун ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Бу ҳолат аввало биз — судьяларнинг адолатли, қонуний ва асосли қарорлари орқали ифодаланади. Агар ҳар қандай қонунбузилиши ёки адолатсизлик юзасидан ўз вақтида ва тўғри муносабат билдирсак, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларни қонун асосида ишлашга ўргатиш орқали фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришамиз. Бундай имкониятдан кенг фойдалансак, айнан шу мамлакат ривожига ҳиссамиз бўлади.

Судьяларимизда ана шу каби жиҳатларни ва бошқа муаммоларни ҳал этиш мақсадида Тошкентда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда “East-West Management Institute” (EWMI) нодавлат ноижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиалининг “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси билан ҳамкорликда “Одил судловни амалга оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида Судьялар миллий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий суд, Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактабининг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча судларидан юздан зиёд судьялар иштирок этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Олий суд раиси Бахтиёр Исломов, USAIDнинг Ўзбекистондаги Миссияси раҳбари Дэвид Хоффман, Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари Алишер Жалилов ва JSSA лойиҳаси раҳбари, EWMIнинг Ўзбекистондаги филиали директори, судья Соня Простран бу каби конференцияларнинг ўтказилиши одил судловни амалга оширишнинг долзарб масалаларини ҳамда амалиётда юзага келаётган муаммоларни кенг муҳокама қилиш учун яхши имконият ва қулай майдон эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Судья сифатида айтадиган бўлсак, мамлакатнинг ривожига – жамиятда айнан қонун ва адолат устуворлиги таъминланиши, мустақил ва адолатли суд мавжудлиги билан ўлчанади. Чунки, жамиятда адолат бўлмаса аҳолининг мамлакатга ва унинг сиёсатига нисбатан ҳурмати ва ишончи қолмайди. Бу эса давлатнинг бутун тизимини ишдан чиқаради.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда, суд тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлар – судьяларнинг масъулиятини ошириш, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш, суд қарорларини қайта кўришда вилоят судларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг шикоят қилиш имкониятларини кенгайтириш, муаммоларини жойида ҳал қилиш ва ортиқча сарсонгарчиликларга йўл қўймасликдир. Шундай экан, ушбу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган ҳолда уларни ҳаётга татбиқ этиш учун суд тизимининг барча ходимлари ҳозиргидан-да кўпроқ ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиши лозим.

Тадбирнинг дастлабки кунда маъмурий, фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судларда одил судловни амалга оширишнинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро тажриба алмашилди, мавжуд муаммо ва вазифалар атрофича муҳокама қилинди.

Хусусан, судьялар суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, судларда конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш амалиёти ҳамда судлар амалиётида гендер дискриминацияси ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза юритилди.

Шунингдек, конференция давомида иштирокчилар суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан процессуал кодексларга киритилган янгиликлар, конституциявий нормаларни судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллаш амалиёти, маъмурий, жиноий, фуқаролик ва иқтисодий судларда одил судловни амалга оширишнинг долзарб масалалари ҳақида кенг қамровли маъруза ва тақдимотлар билан танишишди.

Конференциянинг иккинчи кунда судьяларнинг маънавияти, одоби ва масъулияти ҳақида ҳамда судларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд иш юритувини рақамлаштириш масалалари муҳокама қилинди.



КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТААССУРОТЛАРИ

Тадбирда таъкидландики, одил судлов судьянинг профессионал салоҳияти ва лаёқатидан ташқари унинг маънавий камолотига ҳам боғлиқдир. Инчунун, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди.

Суд тизимида “судьянинг ички ишончи” деган ибора бор. Бу – судьянинг билим, савия, малака, ўзлаштирилган кўникмалари асосида виждон ва сезгига таяниб, ҳукм ёки қарор чиқаришидир. Судьянинг маънан баркамоллиги ана шунда намоён бўлади. Шу боис ҳам судьянинг юксак маънавияти ва одоби одил судловга бўлган ишончини янада оширишда муҳим омил ҳисобланади. Судьялар корпусини шакллантиришда мазкур масалага жиддий эътибор берилётгани ҳам юқоридаги сабаб билан боғлиқдир.

Конференция давомида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб хулосалайдиган бўлсак, бўлиб ўтган миллий конференция суд қарорларини текшириш босқичларини такомиллаштириш муносабати билан процессуал кодексларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритилаётган пайтда, яъни судлар фаолиятида бошланаётган янги давр остонасида бўлиб ўтганлигини яна бир бор эътироф этиш лозим. Ушбу жараёнга суд тизимининг барча вакиллари – энг асосийси кўйи ва ўрта бўғиндаги судлар раислари, судьялар ва ходимлар ҳар томонлама тайёр бўлишлари лозим. Бунинг учун, бугунданок барчамиз ўз устимизда янада кўпроқ ишлаб, янгиларни чуқур ўрганишимиз, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳамкасбларимизга, фуқаро ва тадбиркорларга тушунтиришимиз зарур. Чунки, иш юритувимизда муддат ёки қоидаларнинг бузилишига, ҳар қандай хатоликка йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, бошқалар, хоҳ у юрист бўлсин, хоҳ фуқаро – қонунни ва уни тўғри қўллашни биринчи ўринда судлардан ўрганади ва намуна олади.

Тадбирда айтилганидек, ўз фаолиятимизда адолатни ўрнатиш билан биргаликда, фуқаролар-



ни ҳуқуқий онгги ва маданиятини ошириш, уларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни асосий мезон сифатида бўлиши учун, қонунлар бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга муросасиз муносабатда бўлишимиз, фуқаро ва тадбиркорларнинг дардини ва кайфиятини тушунишимиз лозим. Судья ва суд ходимлари ҳар кимдан кўра малакали, билимли, маданиятли ва одобли бўлишга мажбур ва бу борада барчага ибрат бўлишимиз керак.

Бундан ташқари, “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттирилиб, илк бор тайинланаётган судьялар қўллаб-қувватланса, уларга тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиб борилса ишончим комилки натижалар кўзланганидан ҳам аъло бўлади. Албатта, ушбу мақсад ва вазифаларни бир ёқадан бош чиқариб, устозларимиз билан биргаликда ва ҳамжиҳатликда амалга оширсак, судлар обрўсини юксалтириш, аҳолининг одил судга бўлган ишончини оширишга эришамиз.

Шунингдек, тадбир жараёнида судья масъулияти ҳақида ҳам сўз юритилиб, интизомий жазога тортиш асосларини такомиллаштириш, айрим ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш масалалари ҳам тилга олинди. Унга кўра, судьяларнинг ахборот технологиялари билан боғлиқ мажбуриятлари қонунчиликда тартибга солинмаганига эътибор қаратилди. Техник хусусиятга эга бўлган бундай мажбурият одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ эмаслигидан келиб чиқиб, бу борада судьяларга қўлланган таъсир чоралари Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан бекор қилингани қайд этилди.

Шунинг баробарида тадбирда судьянинг юридик жавобгарлигини аниқ белгилаш, Суд мажлисини ўтказиш Регламенти бўйича таклифлар ўртага ташланди, “Судьялар мақоми тўғрисида”ги янги қонун ҳужжатига бўлган эҳтиёж ва унда тартибга солинадиган нормалар ҳақида ҳам қизгин ва мазмунли баҳс-мунозаралар бўлди.



Дусмурод ТОШЕВ,
Тошкент туманларо маъмурий
суди раис ўринбосари.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.11.2023 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.
Буюртма № 12. Адади 1810.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****6**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ
ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

7

**КОНСТИТУЦИЯ МОҲИЯТИДА
ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ**

ТАРИХ ВА БУГУН**8**

**“ОНАЯСО” ДАН ЗАМОНАВИЙ
КОНСТИТУЦИЯГАЧА**

10**ШАХС ВА ЖАМИЯТ**

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ТАМОЙИЛИ АМАЛДА

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ**12**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИ
ОЧИШДА КОНСТИТУЦИЯ МЕЪЁРЛАРИ ВА
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ**

14**ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ**

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

МОЗИЙДАН САДО**16**

ҚОЗИЛИК ОДОБЛАРИ

18**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

**ҚОНУНЧИЛИКДА ЖАЗОДАН
ОЗОД ЭТИШНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ**

МУҲИМ МАВЗУ**22**

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

24

**ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ
ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖИНОЯТЛАРНИ
ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
УМУМИЙ ТАВСИФИ**

27

ТАДҚИҚОТ

**КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
МУЛК: ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА
ЁНДАШУВЛАР**

ЖАРАЁН

30

**МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИДА
ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ:
ПРОЦЕССУАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ**

32

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИДА
МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
ТАРТИБИ ЮЗАСИДАН
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

МУШОҲАДА

34

**ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДА ТАХАЛЛУС
ОСТИДАГИ ГУВОҲЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

38

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

**КОМПАНИЯНИ БОШҚАРУВЧИ
ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИДА
АЙБДОРЛИК**

МУЛОҲАЗА

40

**ДЕПУТАТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ТУШУНЧАСИ**

42

ТАЛҚИН

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

НУҚТАИ НАЗАР

44

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНЕРГЕТИК
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
СОҲАСИДАГИ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ**

46

СУДЬЯ МИНБАРИ

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

48

ҚОЗОҒИСТОНДА МЕДИАЦИЯ

49

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

**ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ
ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ПАРЛАМЕНТА И
КОНСТИТУЦИОННОГО СУДА**

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

52

**ПРАВОВОЙ СТАТУС
СУБЪЕКТОВ СОЦИАЛЬНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И
ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ**

56

ТЕМА ДНЯ

**РАЗВИТИЯ УГОЛОВНОЙ ПОЛИТИКИ
НОВОГО УЗБЕКИСТАНА**

ЖИЗНЬ И ЗАКОН

58

**ОСНОВАНИЯ ДЛЯ ОСВОБОЖДЕНИЯ
ОТ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В
МЕЖДУНАРОДНОМ
УГОЛОВНОМ ПРАВЕ**

60

ANALYSIS

**MEDIATION IN ADMINISTRATIVE
DISPUTES – ANALYSIS OF
INTERNATIONAL PRACTICE**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Инсоният кечадан кўра бугун, бугунидан кўра эртага яхшироқ яшашга ҳаракат қилади, изланади. Бу ҳолат эса фикрлашга, тараққиётга дастак бўлади. Зотан, давлат ҳудудида яшаётган фуқаролар орзу-умидларини, мақсадларини ўзида ифода этиши лозим. Демак, у қанчалик катта мақсадлар, орзулар билан яшаса, халқ шунча фаровон ҳаёт кечиради.

Янги Ўзбекистон Конституциясида “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” дея таъриф берилди. Бунинг моҳиятида мустақил, қонун орқали бошқариладиган, халқ манфаатлари устуворлик касб этадиган, замонавий давлат тушунчаси мужассам.

Аҳамиятлиси, Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини амалда таъминлаш мақсадида ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, конституциявий қоида сифатида белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди.

Унинг 53-моддасида назарда тутилган интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинишининг замирида давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши лозимлиги тўғрисидаги ғоя ётибди. Демак, янги нормалар барча соҳаларни тараққий эттиришга хизмат қилади.

Конституциямизнинг 47-моддасида ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгилангани ва унинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади. Бундан ташқари, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши кафолатланди.

Аҳоли ҳаёти ҳамда саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шarti сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли чоралар белгиланган. Шу муносабат билан давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширади, фуқароларнинг экологик

ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади, деган норма белгиланди. Шаҳарларнинг бош режаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши шартлиги қайд этилди. Фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилди.

Албатта, асосий қонунга киритилган бу инсонпарвар конституциявий нормаларни амалда жорий этиш осон бўлмайди. Бунинг учун суд-ҳуқуқ органларининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиши зарур. Энг муҳими, ҳуқуқни муҳофаза этувчи соҳа ходимларининг билим ва малакаси, маънавий дунёсини юксалтириш билан бирга аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш ва дунёқарашини ўзгартириш талаб этилади. Бунда биз судьяларнинг олдида ҳам жуда масъулиятли вазифалар турибди.



Дилмурод ДАВЛЕТОВ,

Қўнғирот туман иқтисодий судининг судьяси.

КОНСТИТУЦИЯ МОҲИЯТИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 65 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, улардан 16 таси бевосита инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган.

Жумладан, 54-моддада “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади” экани белгиланган. 56-моддага кўра, “Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар яратади”. Шунинг баробарида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳуқуқий амалиётимиздаги муҳим янгиликлардан биридир.

Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган ва унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари моҳиятан чуқурроқ берилиб, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш механизми, унинг йўналишлари акс этган.

Масалан, Конституциянинг 19-моддасига янги хатбоши киритилиб, унга кўра, “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади”, деб муҳрланди. Бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро универсал ҳужжатлар меъёрларига амал қилиш йўлида собитқадамлигини, давлат органлари ва мансабдор шахслар қарорлар қабул қилишда халқаро ҳужжатларга риоя қилишини, суд-тергов органлари амалиётида халқаро андозаларга мувофиқ фаолият олиб боришини англатади.

20-моддага ҳам қуйидаги 3 та ўзгариш киритилган:

биринчиси, “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди”. Яъни инсон давлат ва жамият фаолияти марказида туриши, уларнинг фаолияти тўла-тўқис инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозимлиги мустаҳкамланмоқда;

иккинчиси, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принциpigа асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”. Бу норма назарий жиҳатдан ҳам адолат мезонларини барқарорлаштиришга хизмат қилади;

учинчиси, “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон

фойдасига талқин этилади”. Процессуал ҳуқуқнинг принципиал позицияси бўлиши бу норма суд қарорлари ва ҳукмлари чиқарилаётганда тўғридан-тўғри Конституцияга асосланиб қўлланилади.

Конституциянинг ўзига хос жиҳатлари 23-моддада акс этади. Унга кўра, эндиликда “Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади”. Бундай йўналишдаги сиёсат ўтган йиллар давомида яши самара берди. Жумладан, Сурия ва қуролли тўқнашувлар бўлиб турган чет элдаги бошқа ҳудудлардан юзлаб ҳамюртларимиз, асосан, аёллар ва болалар “Меҳр” инсонпарварлик операциялари доирасида юртимизга қайтариб олиб келинди.

Асосий қонунимиздаги янги жиҳатлардан яна бири 33-моддада акс этган. Яъни “Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади”.

Дарҳақиқат, бугун интернет инсонларнинг кундалик эҳтиёжига айланди ва у ҳар биримизни бутун дунёдаги жараёнлардан бохабар қилишда етакчи ўрин тутмоқда. Бундай замонавий ёндашув инсон тафаккури кенгайишига, натижада, инсоний ресурс салоҳияти кўтарилишига хизмат қилади. Бугун дунёда ахборот билан тўйинган жамият етакчилик қилмоқда. Шу боис, ушбу модданинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Конституциядаги янги нормалардан бири бўлган 37-моддада илк бор “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар”, деб энг муҳим сиёсий ҳуқуқларимиздан бири акс эттирилган. Бу давлат хизматчиси бўлишда барчага тенг имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.



Низомжон МАҲМУДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Дехқонобод туман суди раиси.



**Муҳаббат
ЗОКИРОВА,**
Қашқадарё
вилояти юридик
техникум
ўқитувчиси

“ОНАЯСО”ДАН ЗАМОНАВИЙ КОНСТИТУЦИЯГАЧА

Ер юзида конституция ёки конституция даражасидаги қонунлар тўпламига эга бўлмаган биронта давлат бўлмаса керак. Инсоният яралгандан буён ўзини ва ўзи яшаётган жамиятни тартибга солиб турувчи, чегараларини аниқ белгилаб берувчи воситаларга эҳтиёж сезиб келган ва буни қонунлар, қоидалар тимсолида амалга оширган. Ҳатто ибтидоий одам ҳам қандайдир тартиботларга, ёзилмаган қонунларга бўйсунган. Бу анъана илк давлатчилик куртакларидан то ривожланган, замонавий давлатларга қадар бузилмас қонуниятга айланди ва конституциялар кўринишида ўз аксини топди. Конституциянинг дунё бўйлаб яратилишидан мақсад – инсоннинг оддий кундалик турмушдаги ҳуқуқларини амалга ошириш учун кафолатларни таъминлаш, инсонни давлат ва унинг мансабдор шахсларининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳисобланган. Конституция – давлатнинг асосий ҳужжати бўлиб, давлат бошқаруви, ҳукумат органлари фаолиятининг тартиби ва тамойиллари, давлат, жамият, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари у билан белгиланади.

Замонавий конституцияларнинг муқобиллари қадимги Юнонистонда махсус қонун чиқарувчилар томонидан ўрнатилган таъсис қонунлари ҳисобланиб улардан энг машҳурлари Афинадаги Солон ва Клеистхен қонунларидир. Римда қирол Сервий Туллийус шундай қонун чиқарувчи сифатида ишлаган. Спартанинг ёзилмаган конституцияси афсонавий Ликуртта тегишли эди (унинг ҳақиқий муаллифи номаълум). Унинг ўтмишдошлари эса ўрта аср қонунлари саналади. Жумладан, Авлиё Сава Номоканони Сербиянинг 1219-йилдан бери биринчи низоми эди. Номоканон Византия манбаларидан олинган ва Сербия шароитларига мослаштирилган янги фуқаролик ва канолик қоидалар тўплами ҳисобланади.

Давлатлар ва ҳуқуқий тизимлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир биз тасаввур этадиган конституцияларнинг пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Баъзи манбаларда дастлабки конституция сифатида 1787 йили Филадельфияда қабул қилинган АҚШ Конституцияси тилга олинади. Аслида ундан олдин қабул қилинган конституциялар ҳам бор. Дунёдаги энг қадимги ва ҳозир амалда бўлган конституциялардан бири бу Сан-Маринонинг 1300 йилда қабул қилинган шаҳар низомига асосланган асосий қонуни бўлиб, у 1600 йилда қабул қилинган.

Конституцияларнинг ибтидоси аслида қадимги Греция ҳуқуқий ҳужжатлари бўлса ажаб эмас. Шу билан бирга, Шумер шоҳи Ур-Наммунинг Қонунлар тўплами дунёнинг энг қадимги ёзма конституцияси ҳисобланади. У муҳрланган сопол пешлавҳачаларнинг ёши 4 минг йилдан ошган.

Кейинги даврларда юзага келган “Салон қонунлари”, мўғул “Ясоқ”лари, “Темур тузуклари” ҳам муайян маънода ўз даврига хос конституцион қонун ҳужжатлари бўлган, дейиш мумкин. Шарқ мамлакатларида эса диний таълимот, хусусан, Ислом дини кўрсатмалари, шариат қоидалари конституция вазифасини ҳам бажариб келган. Бундан ташқари, улуг аждодимиз Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи

билим”) асарида давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши лозимлиги теран ёритилган. Айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг “Тузуқлар”и бу борада бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, маърифий қўлланма бўлиб, ундаги кўпгина ғоялар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Темур “Тузуқлар”и Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги (диспозитив нормалар билан бир қаторда императив нормалар ҳам акс этган) конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган. Ўша даврдаги энг илғор ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Сўзимизнинг индаллосида инсоният илк қадамлариданоқ қандайдир тартиботларга эҳтиёж сезганини таъкидлаб ўтдик. Агар пойдевори икки минг йилларнинг нари- берисида қўйилган давлатлар, империялар ҳақида гапирадиган бўлсак, шу кунгача тарих саҳнасида муқим туриб келаётганлари санокли эканлигига ва уларнинг яшовчанлик сири илк одимларида қонунларга таянганлиги эканлигига гувоҳ бўлаемиз. Дунёнинг салкам ярмини эгаллаган мўғуллар ёки Темурийлар салтанатини оладиган бўлсак бирида “Ясолар”, бирида “Тузуқлар” уларнинг оёқда мустаҳкам туриши учун имкон яратди. Заминимизда давлатни, жамиятни тартибга олиб турувчи қонун-қоидаларга “Қутадғу билиг” ва “Тузуқлар” доялик қилди десак муболаға бўлмас. Шу боис айрим туркий давлатларда Асосий Қонунни “Онаясо” деб номлашади. Демак ҳар бир давлатнинг конституцияси ундаги барча қонунларнинг онаси саналади.

Дунё мамлакатлари орасида конституциясига эга бўлмаганлари ҳам бор. Буюк Британия ва Янги Зеландия конституцион қонунчилик ривожланган демократик давлатлар бўлса-да, конституция деб номланувчи яхлит ҳуқуқий ҳужжатга эга эмас. Буюк Британияда конституциявий ҳуқуқлар парламент қабул қиладиган қонунларда ўз аксини топади. Ҳолбуки, жаҳон таърибасига назар ташлар эканмиз, бугун

дунёда ҳеч бир давлатнинг Конституцияси илк бор қабул қилинган таҳририда сақланиб қолмаганига гувоҳ бўламиз. Биргина XXI асрда дунёнинг 90 га яқин давлатида Конституциявий ислохотлар муваффақиятли амалга оширилган, 57 тасида янги Қомус қабул қилинган. Кўриниб турибдики, биронта мамлакатнинг конституцияси силлиққина яратилмаган ёки илк кўринишини 100% сақланиб қолмаган. Йиллар давомида ўнлаб-юзлаб ўзгаришларга учраган.

Сўнгги юз йил давомида мамлакатимиз ҳудудида ҳам бир қанча конституциялар қабул қилинди.

Илк Асосий қонун Бухоро Халқ Совет Республикаси Конституцияси 1922 йилда қабул қилинган. Орадан кўп ўтмай уни янгилаш эҳтиёжи туғилган ва Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституцияси 1927 йил 30/31 мартда Советларнинг 2-Умумўзбекистон съездида қабул қилинган, 1927 йил 11 июлда нашр этилган ва 10 йил давомида амал қилган. 1937 йил 14 февралда яна ўзгаришлар киритилган Конституция қабул қилинган ва у 40 йилдан ортиқ вақт давомида амал қилган. Ушбу Конституция 13 та боб ва 146 та моддадан иборат бўлган. 1978 йил 19 апрелда ССРнинг 1977 йилдаги Конституцияси модели асосида тузилган Ўзбекистон ССРнинг сўнгги Конституцияси қабул қилинди. Ушбу Конституция 11 та боб ва 183 та моддадан иборат эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Ушбу Конституция 6 та бўлим, 26 та боб ва 128 та моддадан ташкил топган эди.

Ҳар бир мамлакатнинг Бош қомуси энг аввало, халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий ўринга қўйган ҳолда ўзининг қатъий нормаларини ҳаётга татбиқ эта олган ҳужжатдир. Конституцияга тадбиқ этиладиган ушбу қатъий меъёрлар 2022 йилга келиб Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустақамлаш заруратини уйғотди. Таъбир жоиз бўлса, бу шунчаки зарурат эмас, балки, мамлакатимизда бошланган буюк ўзгаришлар даври – учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишнинг муҳим шартидир. Ана шулардан келиб чиқиб 2021 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантиқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу – конституциявий ислохотни амалга ошириш эди.

Асосий Қонуниimiz Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини ўз ичига олган ва 100 дан ортиқ мамлакатлар тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олган ҳолда яратилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг гоё ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлигининг кафолатидир. Шу билан бирга, Асосий Қонуниimiz кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларациясининг умумэтироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган. Конституциянинг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти Конституция нормаларига мувофиқ 700 га яқин қонунларни қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа Асосий Қонуниimizни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди. Ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида 200 мингдан кўпроқ таклифлар келиб тушди. Мавжуд 128 та моддаларга яна 27 та янгиси қўшилди ва уларнинг сони 155 тага етгани бунинг ёрқин мисолидир. Натижада, Конституциянинг лойиҳаси деярли 65 фоизга янгиланди.

Тарихдан маълумки, кўпгина давлатларда Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилади. Бизда ҳам 1992 йилда Асосий Қонуниimiz қабул қилинаётганда мана шундай йўлдан борилган. Конституциявий комиссия бу сафар янгича йўлдан бориб, аввал халқимизнинг фикри, таклифларини ўрганди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди.

Биринчи босқичда Конституция лойиҳасини шакллантириш учун юртдошларимиз томонидан 60 мингдан зиёд таклифлар берилди. Иккинчи босқичда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, 150 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Шу билан бирга, умумхалқ муҳокамасидан сўнг ҳам яна 10 мингга қўшимча таклифлар келиб тушди.

Бошқача қилиб айтганда, таклифлар халқдан олинди, халқнинг умумхалқ муҳокамасига чиқарилди, халқ вакиллари — депутат ва сенаторларнинг учдан икки қисм овоз билан референдумга қўйишга овоз беришди, охириги сўзни ҳам халқ айтди, токи барчанинг овози, у ким бўлишидан қатъи назар, тенг, адолатли, эркин ва очик жараёнда намоён бўлди. Янгиланган Конституциянинг бир жиҳатига алоҳида эътибор бериш лозимки, унда инсон ҳуқуқлари масаласи асосий ўринга кўтарилди ва ўзгаришларнинг аксарияти инсон омили билан боғлиқ бўлди.

Барчамизга маълумки, ўтган 30 йил давомида Асосий Қонуниimizга бир неча марта ўзгартишлар киритилган бўлса, уларнинг барчаси давлат ҳокимиятига оид масалалар бўлиб, инсон ҳуқуқларига оид деярли ҳеч қандай тузатиш киритилмаган. Янгиланган Конституцияда инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар 3,5 баравардан ошди. Дунё олимлари жаҳондаги барча конституцияларни тадқиқ этиб 110 дан ортиқ ҳуқуқларни санаб ўтишган бўлса, шундан 90 га яқини янги Конституциямизда ўз аксини топган. Бу фактлар ҳам Янгиланган Конституциямизнинг ҳақиқий халқ Конституцияси эканлигидан далолатдир.



**Махсуда
ДУСМАТОВА,**
Самарқанд вилоят
судининг судьяси.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ТАМОЙИЛИ АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида қабул қилинган.

Ушбу стратегик режа-лойиҳадан суд тизими ҳам четда қолгани йўқ, албатта. Тараққиёт стратегияси 100 та устувор мақсадни қамраб олган бўлиб ушбу мақсадлар энг муҳим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни қамраб олган.

Стратегиянинг 15-мақсадида;

- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишга бағишланган бўлиб, ушбу мақсад доирасида Маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини кўллаш соҳасини кенгайтириш;

- “Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

- суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш;

- судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш;

- суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик зов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш, низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;

- ярашув институтини кўллаш доирасини янада кенгайтириш;

- суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролин янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга зайрқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш каби устувор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 16 январда имзоланган иккита тарихий ҳужжат, яъни “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ва ушбу Фармон ижросини самарали таъминлаш мақсадида

имзоланган “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон мурожаатномада билдирилган тақлифларнинг ижросини амалда таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясига шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани борасида содда тилда тушунтириш бериш билан боғлиқ “Миранда қондаси” ва шахснинг суднинг қарорига қадар кўпи билан 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги “Хабеас корпус” институти ҳамда ўлим жазоси тақиқланиши, шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги, маҳбусларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг кадр-қиммати таъминланиши шартлиги, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари – қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши кераклиги, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги кераклиги, иморат бузилишга тушганда бузишдан олдин унинг қийматига мос компенсация тўланиши шартлиги, уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг руҳсатисиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши ҳақидаги қатъий нормалар ўз аксини топди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар айнан “Инсон қадрини учун” ғоясини амалга оширишга қаратилган.

Конституция тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлиши, яъни унинг нормаларини судларда тўғридан-тўғри қўллаш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида 2023 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарори қабул қилинди.

Судлар томонидан конституциявий меъёрларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларнинг тўлақонли таъминланишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётий ҳақиқатни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасидаги “Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди” – деб, билдирган сўзлари ҳам исботлаб турибди.

Иқтисодий судлар томонидан минглаб тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинди ва бузилган ҳуқуқлари суд орқали тикланди.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан шахсни ҳимоя қилувчи маъмурий судлар ташкил этилиши натижасида аҳоли манфаатларига зарар етказётган кўплаб ғайриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш фуқароларнинг судлардаги сарф-харажатлари кескин камайишига олиб келди. Суд мажлисларида қатнашиш имконини берувчи видеоконференцалоқа тизими жорий этилиши натижасида ўтган йилда фуқароларнинг харажатлари тежаб қилинишига эришилди. Шунингдек, ҳисобот даврида 1 миллиондан зиёд мурожаатлар судларга бевосита ташриф буюрмасдан электрон тарзда йўлланган.

Давлатимиз раҳбарининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш ва суд мажлисида иштирок этиш соҳасида одил судловга эришиш даражаси янада қулайлаштирилди. Бунда, фуқаро ва тадбиркорлар масофадан туриб судларга электрон шаклда мурожаат қилиш ва суд ҳужжатларини шу тартибда олиш, фуқарони овора қилмаган ҳолда судья томонидан ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали иш учун зарур ҳужжатларни онлайн тарзда олиш, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб суд мажлисида мобил видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш, суд қарорларини иштирокчиларга инсон омилсиз онлайн тақдим этиш, фуқаро судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришига шароит яратиш, Олий суднинг Интерактив хизматлар портали орқали фуқаро суд биносига ташриф буюрмасдан туриб низосини масофадан ҳал қила олишига тааллуқли муҳим тартиблар жорий этилди.

Бу ўринда судларда “E-XSUD” ягона марказлаштирилган ахборот тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш зарур. Чунки бунинг натижасида ишларни ўз вақтида кўрилиши устидан онлайн мониторинг қилиш, судларда иш юритишни тўлиқ электронлаштириш, иш юритиш самардорлиги ва тезкорлигини ошириш, маълумотларни тизимлаштириш ва онлайн ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда суд қарорлари Интернет тармоғида эълон қилинмоқда.

Шунингдек, “Электрон тўлов тизими” жорий этилди ва у суд харажатларини онлайн тўлаш имконини бермоқда. 2021 йил октябридан суд хабарномаларининг электрон тақдим этишга ўтилгани муносабати билан суд мажлиси санаси ва вақти ҳақидаги суд чақирув қоғозларини онлайн тарзда олиш мумкин бўлмоқда. Ижро варақаларини электрон шаклда ижрога юбориш тартиби татбиқ этилди.

Ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш модулининг ишга туширилиши ўз навбатида, ишларни холислик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида тақсимлашга кенг йўл очди.

Фуқароларга янада қулайлик яратиш ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида суд тизимида “ягона дарча” тамойили жорий қилинди.

Суд тизимида “ягона дарча” тамойилининг жорий қилиниши натижасида талаб судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса, даъво ариза, ариза (шикоят) тааллуқлилигига кўра маъмурий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Бугунги кунда суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантириш ва илгари суришда суд фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш, ахборот маконининг доимий мониторингини олиб бориш, судлар фаолиятига доир ахборотлар бўйича жамоатчилик фикрини таҳлил ва прогноз қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган материалларга, ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш бўйича судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар нафақат фуқаролар мисолида, балки халқаро кўламда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи юзасидан ўз маърузасини БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг сессиясига тақдим этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу маърузада тавсиялар билан бир қаторда Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ижобий натижалар ҳақида алоҳида сўз юритилгани аҳамиятлидир.

“Инсон қадрини учун тамойили” остида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳамда унинг учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат экан, ҳар биримиз бу борада зиммамиздаги улкан масъулиятни тўла ҳис этиб, масъулиятли вазибаларни сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришга, шу эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилишимиз даркор.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШДА КОНСТИТУЦИЯ МЕЪЁРЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, қонунийликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 8 майдаги ПФ—67-сон Фармонида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор тамойилларни Янги Ўзбекистон улугвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши натижасида энг муҳим ўзгаришлар ва янгиликлар, аввало, суд-ҳуқуқ тизимида юзага келганлиги, судлар томонидан ҳуқуқни қўллашда тўғридан-тўғри Конституцияга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида ва амалиётда юзага келган ҳуқуқий муаммо ва қарама-қаршиликларнинг олдини олиш мақсадида 2023 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 16-сонли “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад, албатта, судлар томонидан конституция меъёрларининг тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлашдир.

Олий Суд Пленум қарорида Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслиги ҳақида тушунтириш берилди.

Шунингдек, Пленум қарорининг 2-бандида судлар учун муҳим бўлган тушунтиришлар берилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилишига эътибор қаратилди.

Бунда судлар қонун ҳужжатларига асосан халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинганлиги ёхуд кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомил-

лари ўтказилганлигига, шунингдек, қўшимча шартлар қўйилганлигига эътибор қаратиши лозимлиги белгиланди.

Бундан шуни англаш мумкинки, судлар ҳуқуқни қўллашда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларга таянадиган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган ҳужжатларнинг (ҳукм, қарор ва ҳоказо) асослантурувчи қисмида халқаро ҳужжатларга ҳавола қилиши лозим.

Шунингдек, Пленум қарорининг 4-бандида берилган тушунтиришларга кўра, суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилишига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида боланинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги мустаҳкамланган.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда Конституцияда белгиланган боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиниши Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларидан ташқари “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”-ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларида ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни жиноий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос тартиби, уларга жазо тури ва миқдорини тайинлаш масалалари алоҳида қоидалар билан белгиланган.

Шунингдек, Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган принцип ва нормалари билан

бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Шунга кўра, Конституцияда мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва меъёрларининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими таркибига кириши ва ҳуқуқни қўллашда ушбу ҳужжатларга мурожаат қилиниши мумкинлиги ҳақида тартиб ўрнатилди.

Халқаро миқёсда вояга етмаганларга нисбатан одил судлов юридик жиҳатдан мажбурий ва мажбурий бўлмаган кўплаб халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида акс эттирган асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1989 йил 20 ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясидир.

Ушбу Конвенцияда болаларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, вояга етмаганларга нисбатан жиноят қонунчилигини қўллаш қоидалари, Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган минимал талаблар бўйича бир қатор халқаро меъёрлар белгилаб берилган.

Жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 1-моддасида агар болага нисбатан қўлланиладиган қонунчиликка кўра, у эрта-роқ вояга етмаган бўлса, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон бола ҳисобланиши кўрсатилган.

Конвенциянинг 37-моддасида аъзо давлатлар:

— ҳеч бир бола қийноқларга ёки бошқа шафқатсиз, зайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор этилмаслиги, 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун на ўлим жазоси, на озод қилиш имкониятисиз умрбод қамоқ жазоси қўлланилмаслиги;

— ҳеч бир бола ноқонуний озодликдан маҳрум қилинмаслиги, болани ҳибсга ёки қамоққа олиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши ва фақат охирги чора сифатида ва нисбатан қисқа вақтга тайинланиши;

— озодликдан маҳрум этилган ҳар бир болага инсонпарварлик ва унинг ёшидаги шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда унинг шахсига хос қадр-қимматига

ҳурмат билан муносабатда бўлинишини, хусусан, озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола, озодликдан маҳрум қилинган катта ёшдагилардан ажратилиши кераклиги ва алоҳида ҳолларда уларнинг оиласи билан ёзишмалар ва таширфлар орқали алоқада бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши кераклиги;

— озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола зудлик билан ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдамдан фойдаланишига ҳамда суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва ҳоллис орган олдида унинг озодликдан маҳрум этилишининг қонунийлиги устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгаллигини таъминлаши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Конвенциянинг 40-моддаси 4-қисмига кўра, вояга етмаган содир қилган жиноятининг характеридан келиб чиқиб, тўғри муносабатда бўлишни таъминлаш мақсадида унга турли хил таъсир чоралари қўлланилиши, масалан, васийлик, назорат, синов муддати тайинланиши, махсус тарбиялаш, таълим ва ўқитиш дастурлари тайёрланиши лозимлиги белгиланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг минимал стандарт қоидаларида (Пекин қоидалари) вояга етмаганларга нисбатан одил судлов ҳар бир мамлакатнинг миллий ривожланиш жараёнининг таркибий қисми бўлиши, барча вояга етмаганлар учун ижтимоий адолат ҳар томонлама таъминланиши ва айна вақтда шу орқали ёшлар ҳимояси ва жамиятда тинчлик ва тартибни сақлашга кўмаклашиши зарурлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг аъзоси сифатида ўз қонунчилигини Конвенцияда белгиланган халқаро стандартларга тегишли тартибда мувофиқлаштириши лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар ҳуқуқини ўзида акс эттирган 20 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинмаган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг рўйхати шакллантирилиб, Олий Суд Пленуми томонидан судлар учун ҳуқуқни қўллашда улардан фойдаланиш тартиби бўйича тушунтиришлар бериши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мухаматали НАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби
Жиноят ҳуқуқи кафедраси мудир,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предметиға оид масалалар кўтарилган. Прокурор назорати субъекти ва объекти ҳамда прокурор назорати предметиға тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун, жиноят ва жиноят процессуал қонунларни бажариш ёки ижро этмаслик билан боғлиқ ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) каби масалалар алоҳида кўриб чиқилган. Шунингдек, прокурор назоратиға оид илмий-назарий қарашлар масалалар муҳокама қилинган.

Калит сўзлари: субъект, прокурор, назорат, тезкор-қидирув фаолият, инсон ва фуқаролар, ҳуқуқ, қонунийлик, усул.

Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган қоида ва тамойиллар негизида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатланади. Бу — инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади ва устувор вазифаларидан бири демакдир. Шу муносабат билан давлат ҳар қандай жисмоний ва юридик шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кафолатланган ҳуқуқий тартибни яратиш ва таъминлашга мажбурдир.

Ушбу конституциявий қоидалар “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат прокурорлар томонидан амалга оширилиши, улар зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш вазифалари юклатилган.

Ушбу қоидалар прокуратура органларининг барча ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини, шу жумладан тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда қонунийлик тамойилига оғишмасдан бажаришларини назарда тутди.

Прокурор фаолиятининг ушбу соҳасидаги ваколати “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, Жиноят-процессуал кодекси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун, шунингдек бошқа қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Прокурор назоратини тартибга солувчи қоидалар, одатда, прокурорнинг вазифалари ва ваколатларини ўз ичига олади. Прокурор назорати фанида предмет масаласи, кўпинча назоратнинг “предмети” ва “объекти” тушунчалари чегараланмаган ва бир-бирининг ўрнида ишлатилган. Предмет - бу қандайдир ҳаракат ёки фаолиятга йўналтирилганликдир.

Б.Х.Пўлатов прокурор назорати фаолияти предметиға бевосита “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг талабларидан келиб чиқиб ёндашиш лозим ва бу фаолиятда назорат объекти бўлиб, назоратни таъминлаш жараёнида прокурор томонидан баҳо бериладиган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисоблашни тўғрисидаги қарашларни илгари сурган.

Бизнинг фикримизча, назорат предметини аниқлашда, А.А. Чувилевнинг фикри ўринлидир. Унинг фикрича, назорат предмети деганда назорат объекти бўлган айрим юридик ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг бажарилиши тушунилади.

Назоратнинг асосий хусусияти қатъий белгиланган ихтисосликдир, чунки субъект назорат қилинадиган предметларнинг бутун фаолияти эмас, балки унинг фақат қайсидир йўналиши ёки жиҳати ҳисобланади. Прокурор назоратини амалга оширишда муассаса ва ташкилотларнинг иши эмас, балки уларнинг фақат қонун ҳужжатларига риоя этиши текширилади. Умумий қоидага кўра, прокурор томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликни бартараф этиш унинг талабига биноан ваколатли орган ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг предмети - бу тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилувчи прокурорнинг фаолиятиға қаратилганлигидир.

Демак, “Прокуратура тўғрисида”ги ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунлардан қуйидагилар тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорати предмети деган хулосаға келиш мумкин:

а) тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя қилинганлиги;

б) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги;

в) инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилганлиги;

г) жиноятларни тайёрлаш ва содир этилган жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни ҳал этишда белгиланган тартиби.

Д. Довудовнинг фикрича, тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи органларнинг процессуал фаолияти устидан прокурор назорати предметиға тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун, жиноят ва жиноят процессуал қонунларни бажариш ёки ижро этмаслик билан боғлиқ ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) жараёнида юзага келган ижтимоий муносабатлар қамраб олади.

Аммо, А. Пўлатов ҳақли равишда, тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи субъектлар томонидан қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, ушбу турдаги назорат нафақат қонунлар, балки ички идоравий норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади, деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, прокурор назорати терговға қадар текширув жараёнида дастлабки тергов органларининг процессуал фаолияти, судгача бўлган иш юритиш жараёнида амалга ошириладиган қонуний ва қонунға хилоф ҳуқуқий ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликларнинг бутун мажмуини ўз ичига олади. Демак, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар

фаолияти устидан прокурор назорати предмети жиноят-процессуал соҳадан ташқарида ҳам амалга оширилади.

Умуман олганда ушбу фаолият соҳалари қонун чиқарувчи томонидан битта назорат тармоғига киритилишини уларнинг мақсад ва асосий вазифаларининг мос келиши ва умумийлиги билан изоҳлайди ва асослайди.

Дарҳақиқат, тезкор-қидирув фаолияти устидан назорат предметини белгилашда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалардан ва тезкор-қидирув фаолиятига хос бўлган хусусиятлардан, шунингдек, нафақат фаолият натижалари асосида, балки қабул қилинган қарорлардан келиб чиқиш керак.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатига нафақат ғайрихуқуқий қилмиш содир этган, содир этаётган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш, балки жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, шунингдек шахс, жамият, давлат манфаатларига дахл қиладиган, ҳарбий, иқтисодий ёки экологик хавф туғдирадиган ҳодисалар ва ҳаракатларни акс эттирадиган ахборотни қўлга киритишга ва унга ишлов бериш киради. Бироқ, "Прокуратура тўғрисида" ги қонунда бу хусусиятлар ҳисобга олинмаган.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича фаолиятнинг қонунийлиги назорат предмети бўлиши керак. Тезкор-қидирув фаолияти устидан назорат предметининг ўзига хос хусусияти, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя қилишдир. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш қонунда назарда тутилган асосларнинг мавжудлигини ва назорат предмети бўлиши керак бўлган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" қонунининг 16-моддасида назарда тутилган шартларга риоя қилишни назарда тутди. Шунингдек, назорат предмети тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш, тезкор ҳисобга олиш иш жилдида ҳолатларни қайд қилиш ва юритиш, тезкор-техник воситалардан фойдаланиш тўғрисида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ҳамда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунчилигига риоя этилиши ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш тартибини тартибга солишни ўз ичига олиши керак. Буларнинг барчаси тезкор-қидирув фаолиятини назорат қилиш предмети, дастлабки тергов ва суриштирув назорати предметидан сезиларли даражада ажралиб туришини кўрсатади. Улар учун ягона умумий ўхшаш жиҳатлари бу инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишларидир. Бундан биз тезкор-қидирув фаолияти соҳасида бошқа соҳалардан фарқ қилувчи, махсус назорат предмети ҳақида хулоса чиқаришимиз имконини беради.

Айтиш жоизки, тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва уни ҳуқуқий тартибга солишдан келиб чиққан ҳолда, прокурор назорати айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар нафақат назорат предметини белгилашда, балки ваколатларда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, Қонунга тезкор-қидирув фаолиятини назорат қилиш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиш учун етарли асослар мавжуд деган хулосага келишимиз керак.

Тадқиқот доирасида суҳбатлашган респондентлар худди шундай хулосага келишди. Сўровда қатнашган прокурорларнинг 59,8% фоизи тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги назоратни қонун ҳужжатларида мустақил бўлимга ажратиш зарурлигини маъқуллаган бўлса, уларнинг 42% фоизи тез-

кор-қидирув фаолияти соҳасидаги назорат махсус субъект ва ваколатларга эғалигини асослаб берган, прокурорларнинг 17,8% фоизи ушбу назоратни мустақил тармоққа ажратиш унинг самарадорлигига хизмат қилишини таъкидлади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати предмети Қонуннинг 2-бобида белгиланган бўлиб, унда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги прокурор назорати предметининг мазмун-моҳияти, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясининг таркибий қисми эканлигидан келиб чиқиш керак. Бундан ташқари, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этиш тезкор-қидирув фаолиятининг асосий тамойилидир.

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини назорат қилиш ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, тезкор-қидирув фаолияти асосан ноошқора тартибда ўтказилади, иккинчидан эса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузиш эҳтимоли айнан ушбу босқичда катта.

Бунинг сабаби, биринчидан тезкор-қидирув фаолиятини олиб боришнинг қатъий қонунчилик билан тартибга солинмаганлиги; иккинчидан жиноятга оид муаммоларни ҳал қилишда тезкор ходимлар хоҳиш-иродасининг аҳамияти ва учинчидан тезкор ходимлардан содир этилган жиноятлар ва жиноятчилар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг кўпинча қийинлигидадир.

Ана шу бўшлиқлар туфайли тезкор-қидирув органлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда кўпинча шахс ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасига тажовуз қилиш ҳолатларига олиб келади, бу эса қонун устуворлигини бузиш билан тавсифланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. Х боб.
2. "Прокуратура тўғрисида" ги ЎЗР Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.
3. Ожегов СИ. Словарь русского языка. - М.: Рус. язык, 1984. - с.501.
4. Прокурор назорати: Дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. –Т.: "Ўзбекистон", 2009. –Б.147-148
5. Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник / Под ред. А. А. Чувилева. М., 1999. С. 19.
6. Козлов А.Ф. Прокурорский надзор в Российской Федерации: Общая часть: Учебное пособие. Екатеринбург, 1999. С. 27-28
7. Д. Довудова. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш масалалари. Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., ЎЗР Бош прокуратураси Академияси, 2022. - Б. 19
8. А.Пўлатов. Тезкор-қидирув фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
9. Авдеев В.Н., Шелег Д.И. Прокурорский надзор: Курс лекций / под ред. В. Л. Попова. М.: ИМЦ ГУК МВД России, 2004. С. 125.
10. "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сон.

ҚОЗИЛИК ОДОБЛАРИ

“Қози” атамаси араб тилида (“қазо” сўздан ясалган) “ижро этувчи”, “амалга оширувчи”, “ҳукм чиқарувчи” маъноларини англатиб, мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланган ва шарият асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси тушунилади. Унинг “ижро этмоқ”, “бартараф қилмоқ”, “суд қилмоқ”, “ҳал этмоқ” сингари маъноларни ифодаловчи яна бир қанча шакллари ҳам мавжуд.

Узоқ йиллар юртимизда суд ишлари қозилар томонидан шарият қонунлари асосида амалга оширилиб келинган. Асрлар давомида қозилик судларида иш юритиш тартиб-қоидалари, тамойиллари, қозилик мақоми ва бу мансаб эгаларининг одоб-ахлоқига оид талаблар такомиллашиб, сайқалланиб борган. Исломификшунос олимларининг жиноят ва жазо, низоларни ҳал этиш, суд ишларини юритиш масалаларида олиб борган илмий изланишлари ҳозирги замон ҳуқуқий докториналарининг вужудга келишига замин бўлди.

Тарихда илк бор “Қози ал-қуззот” (буюк қози) номига сазовор бўлган Абу Юсуф (113—182 ҳижрий/731—798 миллодий)нинг ислом ҳуқуқи ва жиноят ва жазога оид дастлабки манба ҳисобланган “Хирож” китобида далиллар назарияси ҳамда айбсизлик презумпцияси (хабеас корпус), бир неча жиноятлар учун жазо масаласи, қозиларга давлат хазинасидан маош тўланиши ҳақидаги принципал қоидалар ёритилган. У ўз фаолияти давомида орттирган тажрибалари ва илмига асосланиб, қозилик одоби ва вазифаларига бағишланган илк китоб “Адабул-Қози” асарини ёзган.

Қозилик одоби ҳақида битилган алоҳида китоблар ичида Имом ал-Мовардийнинг “Одобул қозий” китоби машҳурдир. Бу асарда қадимда қозилик ишлари қанчалик мукамал тарзда, энг нозик томонларини ҳам ҳисобга олинган ҳолда юритилишини кўриш мумкин. Ҳаттоки, қози ҳукм чиқариш учун ўтирганда қандай кийим кийиши лозимлигига кўрсатиб қўйилган.

Қозиликка тааллуқли илк рисола Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Тамартошийнинг “Ал-Аҳком фима ятааллақу бил кузоти вал ҳуқком” (қози ва ҳокимларга тааллуқли ҳукмлар) китобидир. Унда ҳанафий мазҳаби қозисига қўйилган талаблар санаб ўтилган. Жумладан, асарда қози лавозимига даъвогар шахс ақл-заковатли, балоғат ёшига етган, мусулмон, озод (хур), кўзи ожиз бўлмаган, гапира оладиган, жисмоний соғлом ҳамда тўхмат билан ҳад урилмаган (судланмаган) бўлиши кераклиги зикр этилган.

Машҳур фақих Содруш шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Ҳанафий “Мухтасар ал-Викоя” асарида ҳукм ва унинг соҳиби (қози) фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтган. У ўзининг адолатлиликка ишонган кишигина қозиликка дахл қила олиши, қозиликка яроқли киши гувоҳлиги яроқли кишилар жумласидан бўлиши, қозилик талаб қилинмаслиги, кимки қозиликка пора билан эришса, қонун (шарият) бўйича у қози ҳисобланмаслиги, ҳукм қилса, ҳукми ўтмаслиги ҳақидаги қоидалар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарининг “Қозилик мақоми” бўлимида қозилик мансабига қўйиладиган талаблар баён этилган бўлиб, унга кўра қози шарият илмларини яхши билиши, озод бўлиши, мустақил қарорлар қабул қилиш лаёқатига эга бўлиши, адолат ила ҳукм этиши, ҳуқуқ ва муомалада ишончли бўлиши ҳамда ақли расо шахс бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Улар Куръон ва Суннат илмлари билимдони, фикҳ бобида моҳир олим, шарият қонунларини тадбиқ этувчи шахслар саналган.

Умар ибн Абдулазиз қозида беш хислат бўлиши лозимлигини таъкидлаган: ўздан олдингилар ҳақида илм; таъмадан сақланиш; томонларга нисбатан юмшоқлик; имомларга иқтидо қилиш; аҳли илм билан маслаҳатлашиш.

Қозилик учун асосий қўлланма “Умар ибн Хаттобнинг Абу Мусо Ашъорийга мактуби” ҳисобланган. Умар розияллоху анҳунинг халифалик даврида Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳу вилоятлардан бирида қози бўлган. Ушбу мактуб кейинчалик қозилик ишлари дастурига айланган. Бу мактуб Европа тилларига таржима қилиниб, қозилик маҳкамаларида кенг қўлланилган, ўқув юртларида дарслик сифатида ўрганилган. Ушбу машҳур мактубда қозилар учун муҳим қоидалар ўз аксини топган: “Қачон сенга бирор ҳужжат келтирилса, уни яхшилаб фаҳмлаб ол. Ҳақ равшан бўлган ҳолда уни юзага чиқар... Икки тараф орасида юзинг, мажлисинг ва адолатинг бир хил қилгин. Тоинки, сенинг жавринг (ён босишинг)га шараф (томон) тамаъ қилиб қолмасин ва заиф (томон) сенинг адолатингдан ноумид бўлиб қолмасин”. Бу қоидалар кейинчалик замоний суд ишларини юритиш принциплари сифатида қонунчиликда мустаҳкамлангани бежиз эмас.

Булардан ташқари қози мустаҳкам хотира, ўткир сезги ва зеҳнга ҳам эга бўлиши талаб қилинган. Айтишларича, замонасининг машҳур қозиларидан Абу Усмон Салам ибн Ҳафс: “Аллоҳ таоло менга уч фазилат ато этган. Биринчиси бир кишидан бир марта исмини сўрайман. Кейин уни эллик йил кўрмай учратсам, исмини эслай оламан. Иккинчиси, қаршимда икки киши ўтириб бир масала хусусида гувоҳлик беради. Рост ё ёлғон гапираётганини билиб тураман. Учинчиси, ҳузуримга икки киши келади. Қараб, хайрли ё жанжалли масала бўйича келганини сезаман”, дея таъкидлаган.

Шу тариқа замонлар оша ислом одоблари қаторида муайян қозилик одоблари шакллана борди. Уларнинг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1) Эзгу ниятда бўлиш. Бу касб соҳибларининг нияти пок, ҳолис ва эзгу бўлиши лозим. Улар бу касбни катта даромад топиш, жамиятда юқори мавқега эга бўлиш учун эмас, балки Аллоҳ таолонинг розилигини топиш, одамлар орасида адолат ўрнатиш, кишиларнинг дардига малҳам бўлиш учун танлашлари жоиз.

2) Қози бўлишга интилмаслик. Номзод қозиликка таклиф қилинмасдан олдин бу лавозимга интилмаслиги, мол-давлати, таниш-билишлари орқали лавозимга эришишга уринмаслиги керак. Бу унинг нияти ҳолис эмаслигидан адолат беради. Илмсиз, иқтидорсиз кишилар зинҳор бу лавозимга яқин йўламасликлари лозим.

3) Ҳукм чиқаришда шошилмаслик. Қози қарор чиқариш, ҳукм қилишдан аввал “етти ўлчаб бир кесиши” керак. Шошма-шошарликка йўл қўймаслиги, пухта ўйлаб, сўнг хулоса қилиши лозим.

4) Даъвогар билан жавобгар ўртасида адолат қилиш. Қозининг тарафлардан бирига алоҳида ҳурмат кўрсатиши,

улардан бирини ўзига яқин тутиб, сўзда имо-ишорада ёки бошқача шаклда унга ён босиши адолатсизлик ҳисобланади.

5) Икки томоннинг ҳам гапларини эшитмай туриб ҳукм чиқармаслик. Негаки, фақат бир томонни эшитиб, ундан таъсирланиб, нотўғри қарор чиқариб қўйиши мумкин. Қози ҳар қандай шароитда ҳам тарафларни тўла эшитиб, вазжларини тинглаб, сўнг хулоса чиқариши зарур.

6) Мажлиснинг аввалида даъвогар ва жавобгарларни ёлгон, тухмат ва зулмдан огоҳлантириши. Бунга риоя қилмаслик оқибатларини тушунтириши, уларни ҳақиқатни айтишга чақириб, ваъз қилиши лозим. Бу чора тарафларнинг масъулиятини ошириш билан бирга, ишнинг тўғри ва адолатли ҳал этилишига замин яратади.

7) Ҳазабланган ҳолда ҳукм чиқармаслик. “Жаҳл чиқса, ақл кетади” деган нақл бор. Қози асабийлашган, ғазаб отига минган ҳолда қарор қабул қилганда ҳиссиётларга берилиб, нотўғри хулосага келиши табиий. Шунингдек, қози қаттиқ оч қолганда, ўта чанқаганда, уйқу босиб турганда, сиқилган ва бошқа қалб жароҳати таъсирида қарор қабул қилиши жоиз эмас.

8) Пора олмаслик. Пора араб тилида “ришва” деб аталиб, шаръий истилоҳда адолатни йўққа чиқариш ва ботилни юзга чиқариш учун бериладиган нарсага ишлатилади. Пора олиш Кўрьон ва суннат ҳамда ижмоъга кўра ҳаром. Муборак ҳадисда: “Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқибди”, дейилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам лаънатлаган.

Содруш Шаҳидоннинг “Адабул қозий” номли китобида поранинг тўрт хили бўлиши кўрсатилган:

- Қози бўлиш учун пора бериш. Олганга ҳам, берганга ҳам ҳаром. Бу ҳолда у қози ҳисобланмайди.

- Қозилик қилгани учун пора олиш. Олганга ҳам, берганга ҳам ҳаром ва агар ҳақ бўлса ҳам, ҳукми ўтмайди.

- Ўзига ёки молига бўлган хавфни қайтариш учун берилган пора. Бу олганга ҳаром, берганга эмас.

- Султоннинг ҳузурда ҳоли яхшиланиши учун берилган пора. Олганга ҳаром”.

9) Ҳадя қабул қилмаслик. Ҳар қандай турдаги совгани рад этиш. Муқаддас китобларда ҳадя-совганинг уч хили санаб ўтилган: биринчиси, ҳадя берувчи тарафга ҳам, олувчига ҳам ҳалол. Бу меҳр-муҳаббат сабабли совға олди-бердисиدير. Иккинчиси, икки тарафга ҳам – ҳадя берувчига ҳам, уни олувчига ҳам ҳаромдир. Бу зулмга ёрдам бериш учун ҳадя беришдир. Учинчиси, ҳадя берувчи томонга ҳалол. Бу ўзига қаратилган зулмни тўсиш учун ҳадя беришдир. Бу олувчига ҳаром.

Маълумки, хорижий давлатларда амалдорлар қабул қилиши мумкин бўлган ҳадянинг чегараси ўрнатилган. Жумладан, АҚШда кўпчилик мансабдор шахсга ўз мамлакати фуқаросидан олинган 50 доллардан ортиқ бўлган совға пора ҳисобланади. Сингапурда қиймати 50 Сингапур долларидан (32 доллар) кам бўлган совғаларни сақлашга рухсат берилади. Францияда амалдорга совганинг максимал қиймати 35 еврони ташкил қилади. Қимматроқ совғалар донорга қайтарилиши керак. Канада ҳукумати ходимларига қиймати пул билан ифодаланиши мумкин бўлган ҳар қандай совғаларни қабул қилишга рухсат берилмайди. Ушбу қондани бузиш жиноий жавобгарликка тортилади. Хитойда мансабдор шахсларга ҳадя қилиш тақиқланган нарсалар рўйхати қонуний равишда ўрнатилди. Унга киритилган нарсаларни қабул қилиш пора деб ҳисобланади ва ўлим билан жазоланади. Грузия

қонунчилигига кўра, давлат амалдорига қиймати 150 лари (80 доллар) дан ошмайдиган совға тақдим этилиши мумкин.

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 4 август кунги қарори билан “Судьялар томонидан совғалар қабул қилинганлиги ҳақида хабар бериш, топшириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра судьяга хизмат сафарлари ҳамда бошқа расмий тадбирларда берилган совганинг қиймати БҲМнинг уч бараваридан қиммат бўлмаслиги ва одатий ҳамда ахлоқий меъёрларга мос келиши лозим. Судьянинг бирор тадбир иштирокчиси сифатида бериладиган канцелярия анжомлари ёки рағбатлантириш (мукофотлаш) мақсадида топширилган кичик эсдалик совғалар ҳамда тез яроқсиз ҳолга келадиган буюмлар, махсулотларни (масалан, гуллар, торт ва ҳоказо) қабул қилишига ҳеч қандай монелик йўқ. Агар совға беминнат, бироқ қиймати белгиланган миқдордан қиммат бўлса, судья бу ҳақда тегишли малака ҳайъати ёки Судьялар олий кенгашига хабар бериши лозим. Бу ҳолда совға Олий суд ҳузурдаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларига топширилади. Шундан сўнг, судья икки ой муддатда совғани (агар у беминнат берилган бўлса) қайта сотиб олиши мумкин.

10) Бошқалардан алоҳида хослаб чақирган жойга бормаслик. Негаки, келажакда қози шу шахс иштирокидаги низони кўришга тўғри келганда холислик ва адолат мезонлари бузилишига сабаб бўлади.

11) Шубҳали ўринлардан йироқ бўлиш. Қози тухматга қолиш эҳтимоли бўлган жойларга боришдан, гап-сўзлардан ва бошқа хатти-ҳаркатлардан тийилиши, шаън, қадр-қимматини асраши лозим.

12) Бевосита шахсан ўзи тижорат қилмаслик.

13) Инсонларга намуна бўлиш. Қозилар муносиб хулқи, ижобий ҳислатлари, фазилатлари билан ишда, ҳаётда, оилада бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Бу уларнинг кишилар ўртасида низоларни кўриш, адолат тарозисини кўлда тутишларига манъан ҳақли бўлишини аниқлатган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қадимдан қозилар алоҳида мақомга эга мансабдор шахс сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу касб эгаларидан юксак масъулият ва жавобгарлик ҳисси талаб этилган. Шу сабабли муқаддас китобларда қозилар уч тоифага бўлиниб, учдан икки қисми дўзахи бўлиши таъкидланган. Булар ноҳақ ҳукм бераётганини билиб туриб ҳукм қилган, қозиликка лаёқати, илми етарли бўлмаса-да, нафсига маъкул тарзда ҳукм берувчилар бўлиб, уларнинг жойи ловуллаб турган дўзах ҳисобланган. Фақат бир қисм адолатпеша қозилар учун жаннат эшиклари очиқ бўлиши башорат қилинган.

Асрлар силсиласида сайқалланган қозилик одоблари бугунги давр судьялари учун муқаддас манба, муҳим кўланма, ўзига хос дастуруламал бўлиши табиий.

Комил СИНДАРОВ,

юридик фанлар доктори, профессор,

Бахтиёр ҚИЛИЧОВ,

муस्ताқил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғоти (А.Мамадалиев таҳририда). <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati>.
2. Н.Мирзоев. <https://oliymahad.uz/2404>
3. <https://www.islom.uz/view/adabul-kozi-va-kozilik-kitoblari>
4. Ислом одоблари энциклопедияси, 2-китоб, Т., “Hilol”, 2023, 592 б.
5. А.Аҳмадалиев. <https://alhidoya.uz/maqolalar/pora-berish-va-olish-islomda-katta-gunoh/>

ҚОНУНЧИЛИКДА ЖАЗОДАН ОЗОД ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жазодан озод қилиш турлари сифатида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг айрим жиҳатлари, бу борада хорижий давлатларнинг қонунчилиги таҳлил этилган ҳолда муаммолар ва ушбу институтни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, шахслар қайта жиноят содир этишининг олдини олиш, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган масалалар ёритилган.

Калит сўзлари: жиноят, жазо, жазодан озод қилиш, шартли равишда жазодан озод қилиш, жазо тайинлаш, суд, жазони енгилроғи билан алмаштириш.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислохотлари натижа-сида жиноят қонунчилиги нормалари янада либераллаштирилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари соддалаштирилди, айрим турдаги жиноятлар бўйича санкциялар енгиллаштирилди ва жавобгарликдан озод этишга қаратилган рағбатлантирувчи норма-лар жорий этилди.

Шунингдек, инсонпарварлик акти сифатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш, шу жумладан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш амалиёти янада кенгайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, инсонпарвар-лик тамойилини амалда таъминлашга хизмат қил-моқда.

Олий суднинг статистик маълумотларига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этилган шахслар 2021 йилда 21780 нафарни, 2022 йилда 26753 нафарни, 2023 йил 3 ойлигида 7685 нафарни, жазони енгилроғи билан алмаштирилган шахслар 2021 йилда 7480 нафарни, 2022 йилда 10202 нафарни, 2023 йил 3 ойлигида 2994 нафарни ташкил қилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, жазо қўллаш сиёсати анча енгиллаштирилган ва бу ҳолат инсон ҳуқуқларининг таъминланишига олиб келмоқда.

Шу ўринда жазонинг енгиллаштирилиши нати-жасида жазодан кўзланган мақсадга қай даражада эришилмоқда?, деган ҳақли савол юзага келади. Зеро, жиноят содир этган шахс қилмишидан хулоса чиқариб, унинг оқибатларини тушуниб, англаб ет-моқдами?

Маълумотларга эътиборга қаратадиган бўлсак, муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2021 йилда 9 минг 724 тани ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2022 йилда 11 минг 635 тага етган, яъни 19,6 фоизга ош-ган. Шу каби муқаддам жазони ўташдан муддати-дан илгари шартли озод қилинган шахслар томони-дан содир этилган жиноятлар сони 2021 йилда 168

тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда 9,5 фоизга ошиб, 184 тани ташкил этган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, суд-лар томонидан шахсларга қўлланилаётган жазолар шахсларнинг ахлоқан тузалиши учун етарли бўлма-япти. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ва жазо енгилроғи билан алмашти-рилган шахслар тузалиш йўлига ўтмасдан ва содир қилган жиноятдан тегишли хулоса чиқармасдан қайта жиноят содир этмоқда. Бунинг устига, шахс-ларнинг муддатидан илгари шартли озод қилиниши ҳолатлари янги жиноятларни содир этиш учун йўл очаяпти.

Бу эса тайинланган жазо тўлиқ ўталмасдан ту-риб шахсларнинг озодликка чиқиши жамият аъзо-лари онгида “жिनоят содир қилгандан кейин бир неча йилда чиқиб келиш мумкин” деган тушунчани, яъни қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармоқда.

Бундай ҳолатда, албатта, адолатга эришиб бўл-майди. Чунки содир этилган жиноят учун адолатли жазо тайинлаш одил судловнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Шуни қайд этиш керакки, жавобгар-ликнинг муқаррарлиги ва жазоларнинг етарли да-ражада таъсирчанлиги шахсни тарбиялашга хизмат қилади.

Жиноят содир этган шахслар жазонинг маълум қисмини ўтаганидан кейин озодликка чиқарилиши ушбу жиноятдан жабрланган фуқаролар томонидан давлатнинг жазо сиёсатига, шунингдек, мутасад-ди органлар ва судга нисбатан эътирозлари юзага келишига ҳамда қонунларга ва адолатга нисбатан одамлар ишончининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Илгари енгиллик қўлланилган шахслар томони-дан қасддан янги жиноят содир этилиши шахс ту-залиш йўлига ўтмаганлигидан дарак беради. Шунга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-ижроия кодексларида ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги 23.03.2023 йилдаги ЎРҚ-825-сон Қонунига асосан жазони ўташдан муд-датидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳамда

жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича муддатлар узайтирилди.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиришлар маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтишига, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят қонунчилигига кўра, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни жазо қўллагандан ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келиш учун асослар етарли бўлса шахс жазодан озод қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарорида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зарарни қоплаган шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласи судлар томонидан муҳокама қилиниши лозимлиги ўқтирилган.

Жазодан озод қилиш бу инсонпарварлик тамойили билан боғлиқ бўлиб, унга кўра жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олишга етарли бўлган жазо берилиши лозим. Жиноят ишини судда кўриш давомида суд судланувчининг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, судланувчини жазодан тўла ёки қисман озод қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда суд, судланувчининг ахлоқини тузатиш учун ҳамда унинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун жазо тайинлаш шарт эмас, деб топади.

Жазодан озод қилиш фақат суд томонидан амалга оширилади, чунки жиноят қонунчилигига кўра шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга жазо тайинлаш суднинг мутлоқ ваколатига қиради.

Жазодан озод қилиш институтини янада тўлиқ ва тўғри шакллантириш учун унинг ўзига хос белгиларини аниқлаштиришимиз лозим. Унга кўра, айтиш керакки жазодан озод қилиш жиноят-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Жазодан озод қилиш, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга жазоланмаслик имкониятини бериш бўлиб, у давлатнинг жазони қўллашдан ёки унинг ижросини давом эттиришдан воз кечишида ифодаланади.

Жазодан озод қилиш амалга оширилиш шаклига кўра икки турга: шартли ёки шартсиз турларга ажратиш мумкин.

Шартли равишда жазодан озод қилишда суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган ва жазо тайинланган шахсни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган фикрга келса, маҳкумнинг зиммасига бир нечта мажбуриятларни юклаб, синов муддати берган ҳолда, жазодан озод қилади, агар синов муддати давомида маҳкум томонидан жазони шартлилигини бекор қилувчи

асослар содир этилмаса суд тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради, ёки жазони ижро этиш вақтида маҳкумнинг ахлоқини тайинланган жазонинг қолган қисмини ўтаттирмасдан ҳам тузатиш мумкин деган фикрга келса, тайинланган жазони қолган қисмини ўташдан шартли равишда озод қилади.

Айтиш мумкинки, шартли равишда жазодан озод қилишда суд шахсни жиноят содир этишда айбли деб топади ва унга нисбатан жазо тайинлайди лекин, унинг ижросини шартли равишда маълум бир муддатга кечиктиради ва маҳкум ушбу муддат давомида ўзига нисбатан қўйилган мажбуриятларни тўлиқ бажарса суд жазони ижро этишдан ёки жазони қолган қисмини ўташдан озод этади.

Шартли равишда жазодан озод қилишни касаллик оқибатида жазодан ёки уни ўташдан озод қилишда ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатда маҳкумга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш мумкин. Ушбу жазодан озод қилишнинг шартлилиги шундаки, маҳкум касалликдан тузалгандан сўнг ёки меҳнат қобилияти тўлиқ тиклангандан сўнг ЖКнинг 69-моддасида белгиланган муддатлар ўтмаган бўлса у жазони ижро этиши лозим бўлади.

Шартсиз равишда жазодан озод қилишга эса жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги билан жазодан озод қилиш, шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилишларини мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу санаб ўтилган жазодан озод қилиш турларида суд томонидан маҳкумга бирор бир шартли мажбурият ёки маълум бир муддатга бирор чеклов қўйилмайди.

Жазодан озод қилишни тўлиқ, қисман ва аралаш турларга ҳам ажратсак бўлади.

Жазодан тўлиқ озод қилишда маҳкум суд томонидан тайинланган жазо муддатидан тўлиқ озод қилинади, яъни суд томонидан қанча миқдорда жазо қўлланилган бўлса барча тайинланган жазодан озод қилинади. Бу турдаги жазодан озод қилишга жазони ижро қилиш вақти тўлиқ ўтиб кетганлиги, жиноятни содир қилган шахснинг ижтимоий хавфли эканлиги ўтиб кетганлиги туфайли жазони ижро этмаслик, қилмишни содир қилган шахс ўзининг қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги каби шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ бўлган қилмишлардир.

Қисман жазодан озод қилишда уни ижро этиш даврида жазодан озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш кўзда тутилади. Яъни, буни шундай тушунишимиз лозимки, жазо суд томонидан тайинлангандан сўнг, уни ижро этиш бошланади ва маълум бир муддат ўтгандан сўнг маҳкум ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлиги ва қонунда белгиланган талабларга жавоб

берган вақтда уни ўталмай қолган жазо муддатидан шартли равишда озод қилиниши мумкин ёки жазони ўталмай қолган муддати енгилроқ жазога алмаштирилиши мумкин.

Аралаш турдаги жазодан озод қилишда шахс касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муносабати билан, амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан тўлиқ ёки қисман озод этилади. Бундай турда тайинланган жазо умуман ижро этилмайди, жазонинг ўталмай қолган қисми шартли равишда озод қилинади, ёки жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилади.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларни жазодан озод этишнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, вояга етмаган шахсларни жазодан озод қилиш умумий тартибдаги жазодан озод қилишдан бирмунча фарқ қилади.

Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ҳам жазодан озод этиш масаласининг тартиби бизнинг қонунчилигимиздаги жазодан озод қилиш тартибига ўхшаб кетади. Фақат айрим жойларда фарқларни кўриш мумкин. Масалан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш жараёнида фақат муддатларда фарқ қилади.

Европа давлатларида жазодан шартли равишда озод қилишда маҳкум томонидан содир этилган жиноятларнинг оғирлик даражасидан қатъи назар, тайинланган жазо муддатининг маълум бир қисми ўталганидан сўнг шартли озод қилинади.

1) Англия, Бельгия, Корея, Хорватия, Япония давлатларида суд томонидан тайинланган жазо муддатининг 1/3 қисми;

2) Австрия, Албания, Болгария, Португалия, Франция, Чехия давлатларида жазо муддатининг 1/2 қисми;

3) Германия, Дания, Исландия давлатларида жазо муддатининг 2/3 қисми (айрим ҳолатларда 1/2 қисми);

4) Испанияда эса 3/4 қисмини ўтагандан сўнг шартли озод қилиниши мумкин.

Хорижий мамлакатларда ҳам жазони ўташни муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш тартибдаги жазодан озод қилишини қўллаш мумкин бўлмаган маҳкумларнинг тоифалари мавжуд.

Хитой, Аргентина ва Венгрия давлатларида рецидивистларга, Хитойда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумларга, АҚШ ва Литвада эса умрбод қамоқ жазоси тайинланган шахсларга нисбатан шартли озод қилиш қўлланилмайди.

Яна бир фарқли жиҳати хорижий давлатларнинг жиноят ҳуқуқида жазодан озод қилишнинг шартли ҳукм қилиш тури жазодан озод қилиш эмас, балки жазо тайинлаш асосларидан ўрин олган.

Масалан МДҲ Намунавий жиноят кодексининг 73-моддаси шартли равишда жазони қўлламаслик деб номланади ва унинг мазмуни миллий жиноят

қонунчилигимизнинг 72-моддаси мазмунига яқин ҳисобланади. Бунда шартли равишда жазо қўлламаслик жазодан озод қилиш тури эмас, жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида белгиланади.

Россия Федерацияси ЖКнинг 73-моддаси шартли ҳукм қилиш, ЖКнинг 74-моддаси шартли ҳукмни бекор қилиш ёки синов муддатини узайтириш деб номланиб, ушбу моддалар жазо тайинлаш бобида жойлашган бўлиб, шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури сифатида белгиланмаган.

Беларус Республикаси ЖКнинг Умумий қисми 11-боби жиноий жавобгарликнинг бошқа чоралари деб номланиб, унда жазо ижросини кечиктириб ижро қилиш (77-модда), жазони шартли қўлламаслик ҳақида ҳукм қилиш (78-модда), жазо тайинлашдан ҳукм қилиш (79-модда), превентив назорат (80-модда), маҳкумларни профилактик назорат қилиш (81-модда) каби меъёрлар ўз аксини топган бўлиб, бу ерда ҳам шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилишнинг тури сифатида белгиланмаган.

Қозоғистон Республикаси ЖКда ҳам шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури сифатида эмас, балки жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида назарда тутилганлигини ушбу давлат ЖКнинг 63 ва 64-моддаларидан аниқлаш мумкин.

Озарбайжон Республикасида жазони енгилроғи билан алмаштириш институти мавжуд бўлиб, у бизнинг Жиноят кодексимиздаги 77-модда билан ўхшаш. Бироқ, Озарбайжон давлати жиноят қонунчилигидаги ушбу норманинг биздаги мавжуд жазони енгилроғи билан алмаштиришдан битта фарқли томони ушбу давлатда жазони енгилроғи билан алмаштириш фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан татбиқ этилади. Бизнинг қонунчиликда эса озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ташқари бошқа турдаги жазоларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Миллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда жазодан озод қилиш институтини ривожлантириш мақсадида бир қатор назарий таклифлар илгари сурилади.

Биринчидан, ЖКнинг 72-моддасида шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури ҳисобланмайди. Чунки, шартли ҳукм қилиш орқали маҳкум ҳеч қандай жазодан озод қилинмайди, яъни шартли ҳукм қилиш маҳкумни синов муддати давомида ахлоқан тузалишга ундовчи мажбурлов чораси ҳисобланади. Шу сабабли шартли ҳукм қилишни жазо тайинлаш асослари қаторига қўшиб, Жиноят кодексининг ўн учинчи бобида жойлашган жазодан озод қилишнинг шартли ҳукм қилиш турини жазодан озод қилиш турлари қаторидан чиқариб, Жиноят кодексининг ўн биринчи бобига 573-моддаси кўринишида қўшиш таклиф этилади.

Иккинчидан, ЖКнинг 72-моддасини шартли синов муддати давомида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан янги ҳукм бўйича жазо

п

тайинлашда шартли ҳукм қўлланилиши мумкин эмаслиги ҳақида норма билан тўлдириш таклиф этилади.

Чунки, ЖКнинг 72-моддаси тартибида шартли ҳукм қилинган шахс томонидан фақатгина қасддан янги жиноят содир этганида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланишда муаммолар мавжуд. Содир этган жинояти учун шартли ҳукм қилиниб, имкон берилган бўлишига қарамасдан қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жиноий жазонинг мақсадига эришиш учун шартли ҳукм қўлламаслик мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазолар ўз моҳиятига кўра энгил турдаги жазолар қаторига киришини инобатга олиб ҳамда жазодан кўзланган мақсадларга эришиш учун ушбу жазоларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти қўлланилмаслиги таклиф этилади.

Тўртинчидан, ўзгалар мулкини фирибгарлик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятларни содир этган маҳкумлар томонидан етказилган зарар қопланмасдан қолмоқда. ЖКнинг 167, 168-моддаларида етказилган зарарни қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги банди етарли даражада самара бермаяпти. Бошқача қилиб айтганда маҳкумлар жинояти учун тайинланиши мумкин бўлган жазоларни ижро этишдан кўрқмаяпти, бунга сабаб эса ЖКнинг 73, 74-моддаларида белгиланган муддатларнинг камлиги, ушбу турдаги жиноятларни содир этиш орқали кўп маблағ орттириши сабаб бўлмоқда, ваҳоланки жабрланувчига нисбатан етказилган зарар қопланмасдан қолиб кетмоқда.

Шу сабабли, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларда маҳкумга нисбатан инсонпарварлик принципини қўллашда жабрланувчининг даъвоси мавжуд ёки мавжуд эмаслигини талаб қилиш қоидасини, яъни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони энгилроғи билан алмаштириш тарзидаги жазодан озод қилиш жараёнида агар маҳкумнинг содир этган жинояти ЖК Махсус қисмининг ўнинчи бобида назарда тутилган жиноятлардан ҳисобланса унга нисбатан ЖК нинг 73, 74-моддаларини қўллашда жабрланувчининг ёзма розилиги мавжуд бўлсагина татбиқ этиш таклиф этилади. Шунга кўра, ЖКнинг 73-моддасининг 2-қисмини қуйидагича тўлдиришни таклиф қиламиз:

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган, агар маҳкумнинг содир этган жинояти ушбу кодекснинг Махсус қисмининг ўнинчи бобида назарда тутилган жиноятлардан бири ҳисобланса, жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма розилиги мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин.



ятлардан бири ҳисобланса, жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма розилиги мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, ЖКнинг 74-моддаси 2-қисмини қуйидагича тўлдириш таклиф қилинади:

Жазони энгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган, агар маҳкумнинг содир этган жинояти ушбу кодекс Махсус қисмининг ўнинчи бобида назарда тутилган жиноятлардан бири ҳисобланса, жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма розилиги мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Бешинчидан, сўнгги йилларда давлат ташкилотлари ёки давлат иштирок этган ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан давлат маблағларини ўзлаштириш орқали давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар келтириш ҳолатлари кўпайиб учрамоқда. ЖКнинг 73 ва 74-моддаларида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумлар қаторига давлат бюджети маблағларини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан ўзлаштириш жиноятини содир этиб етказилган зарарни қопламаган шахсларни ҳам киритиш таклиф қилинади.

Олтинчидан, жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида жазонинг ўталмаган қисми энгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмаслиги таклиф этилади.

Шу сабабли ЖКнинг 74-моддасини “олдин жазони муддатидан илгари шартли озод қилиш ёхуд жазоси энгилроғи билан алмаштирилган бўлса” деган жумлалар билан тўлдиришни ва жазо муддатини ҳақиқатда ўтаб бўлган муддатини узайтириш таклиф қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши жиноятчиликнинг олдини олишга, ахлоқан тузалиш йўлига ўтган шахсларни жазодан ёки жавобгарликдан озод қилишга хизмат қилади.

Отабек ТОШЕВ,

ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси ўқитувчиси.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан буён бу иллатга қарши курашиб келади. Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенциясига ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилди. Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ва алоҳида Давлат дастурида эса навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органлар ҳамда уларнинг мақоми аниқ белгилаб қўйилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш учун Бош прокурор раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. 2016 йилдан буён эса Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган 60 дан зиёд концептуал аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, шунингдек, ушбу йўналишдаги институционал асосларни тизимли такомиллаштириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги уч йилнинг ўзиде 5 мингдан зиёд мансабдор шахс коррупцион жиноятлар учун жавобгарликка тортилди. Тегишли органлар томонидан коррупцияга қарши кураш олиб борилаётган бўлсада Ўзбекистоннинг халқаро коррупцияга қарши рейтинглардаги ўрни ҳали ҳам жуда пастлигича қолмоқда. Бу эса олиб борилаётган тадбирларнинг етарлича самара бермаётгани билан изоҳланади. Сўнгги беш йил давомида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада яхшилаш бўйича 3 та давлат дастури қабул қилинди. Давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш йўлида хайрли қадамлар ташланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шароит яратаётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар баён қилинди. 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иккинчи Давлат дастури тасдиқланди. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида

коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларида коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қўшма қарор қабул қилинди. Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари, уларнинг тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари томонидан очик эълон қилинувчи ижтимоий аҳамиятга эга маълумотлар рўйхати шакллантирилди.

Давлат бошқаруви тизимида “инсон омили”ни камайтириш мақсадида давлат ва жамият бошқаруви соҳаларига ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш йўлга қўйилди. Маъмурий ва қоғозбозлик тўсиқларини бартараф этиш, рўйхатдан ўтказиш, лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнини осонлаштириш ва тезлаштириш мақсадида барча ҳудудларда 160 дан зиёд турдаги шаффоф, қулай ва тезкор хизматларни кўрсатувчи 201 та марказлар ташкил этилди. Коррупцияга қарши кураш масаласи мавсумий ёки маълум бир саналар билан боғлиқ жараён эмас. Шу боис у узлуксиз тарзда амалга оширилади.

Шу йилнинг 3 ноябрь куни пойтахтимизда анъанавий III Тошкент аксилкоррупция форуми бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли форум Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, АҚШнинг Давлат департаментининг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бюроси, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, ўтган вақт мобайнида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида 2021 йилдан Миллий маъруза

тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Миллий маърузасини Сенатда эшитиш амалиёти жорий қилинди ва бу жараён янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияда ҳам ўз аксини топганлигини таъкидлаш жоиз.

III Тошкент аксилкоррупция форумида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси вакиласи Ашита Миттал хоним Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 2003 йил 31 октябрда имзолангани, бу йил роппа роса 20 йил тўлганини айтиб, коррупциядек офат билан глобал даражада курашишга имкон берадиган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси дунё мамлакатларида коррупцияга қарши кураш сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда унинг олдини олиш чоралари устуворлигини таъминлашга қаратилганлигини қайд этди ҳамда Ўзбекистон сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тўғри белгилагани боис, турли мамлакатларда тадқиқотлар олиб борадиган Transparency International (TI) Халқаро ташкилотининг рўйхатида Ўзбекистон 2016 йилда 158 поғонада бўлган бўлса, 2022 йил якуни бўйича 126 ўринни эгаллаганини таъкидлади.

Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши таълимни кенг қўламда қўллаш зарурияти ҳақида қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юридик таълим сифатини ошириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган фармонларида алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу ҳужжатларда Президентимиз томонидан давлат органларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишда коррупцияга қарши курашишга оид мавзуларга, коррупцияга қарши таълим бериш сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилган.

БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг “Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар”, деб номланган 2-боби 6-моддасининг d-бандида мансабдор шахслар **“оммавий вазибаларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш талабларига жавоб беришлари мумкин бўлиши учун маърифий ва ўқув дастурларни амалга оширишга кўмаклашадилар ҳамда коррупция билан ва ўз вазибаларини бажариш билан боғлиқ бўлган хатарларни чуқурроқ англашлари мақсадида улар ихтисослашган ҳамда мувофиқ тайёргарликдан ўтишларини таъминлайдилар. Бу каби дастурларда кодексларга асосланишлар ёки амалий соҳалардаги ахлоқ стандартлари мавжуд бўлиши мумкин”**лиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш усуллари ҳақида

маълумотлар бериб борилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг кундузги ва сиртқи таълимда таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар учун “Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш” ўқув курси жорий этилиб, бўлажак ҳуқуқ-тартибот вакиллари келгусидаги амалий фаолиятларида “коррупция” тушунчаси, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини, ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантиришнинг усул ва шакллари ҳақида кенг қамровли маълумотлар берилади. ИИВ Академияси магистратура босқичининг Ташкилий-стратегик бошқарув таълим йўналиши тингловчилари учун “Коррупцияга қарши курашиш ва комплеанс назорати” махсус курси киритилиб, унда ички ишлар органлари тизимида ва жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтиришга қаратилган билимларни бериш ҳамда коррупцияга қарши барқарор муҳитни яратишнинг шахсий методикасини ўзлаштириш, ўз хизмат вазибаларини виждонан, ҳалол ва бутун борлиги билан бажариш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан билим, ўқув ва кўникмаларини янада ривожлантиришга қаратилгани аҳамиятлидир.

Маълумки, 2022 йилнинг 28 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” ги Фармони билан Бош прокуратура Академияси негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ва унинг таркибида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги махсус ўқув дастурлари асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш учун “Коррупцияга қарши илмий-маърифий марказ” ташкил этилган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, давлат тузилмасида шараф деган муқаддас номга муносиб бўлиш эскича қолипда ишлашдан воз кечиш, янги фикрлаш ва янги-ча ишлашни амалда кўрсатишни талаб этади. Бу йўлда халқ манфаатларига хизмат қилиш эзгу мақсадга, устувор вазифага айланишида ҳар бир ходим, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз фаолиятини ислоҳ этиши даркор. Чунки, халқ фаровонлиги – олий қонун тамойили давлат органлари ходимларини халқ манфаатларига бўйсуниб, халқ фаровонлиги учун хизмат қилишга буюради.

**Ахтам Турсунов,
Шариф Қобиллов,**

*Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси профессорлари.*

ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖИНОЯТЛАРНИ ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Давлатнинг энг муҳим, жиддий, ўта нозик, долзарб аҳамият касб этувчи фаолияти бу - жиноят-ҳуқуқий сиёсати билан боғлиқ. Ўз навбатида криминализация ва декриминализация давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг алоҳида ва муҳим йўналиши ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши фаол ва самарали кураш олиб бориш барча замонларда ҳам жамият ва давлатнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланган. Шу мақсадда давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати шакллантирилади, жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини белгиловчи қонунлар қабул қилинади.

Жиноятчиликка қарши кураш фаолияти таъсирчан ҳодиса бўлиб, айна пайтда ижтимоий хавфлиликни йўқотган қилмишларнинг жиноийлигини бекор қилиш, уларни содир этган шахсларга ижтимоий назорат чоралари ёки маъмурий ва бошқа йўсиндаги жавобгарлик чораларини белгилашни ҳам қамраб олади. Бу жараён бир сўз билан айтганда, декриминализация жараёни деб номланади ва давлат жиноят ҳуқуқий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади, шунингдек, доимий равишда қонунда ўз аксини топиб боради. Чунки, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган қилмишни ўз вақтида декриминализация қилмаслик жамият аъзоларида норозилик кайфиятини уйғотиб, айрим ижтимоий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Профессор М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрича, жиноят қонунчилиги ўзида жиноятчиликнинг ҳолати, ички тизими ва динамикасида юз берган ўзгаришларни акс эттириши керак.

Декриминализация тушунчасининг моҳияти ҳақида олимларнинг фикри деярли бир хил бўлиб, улар декриминализацияни қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш, қилмишга нисбатан белгиланган жиноий жавобгарликни бекор қилиш акти сифатида тушунадилар.

Декриминализация атамаси - қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деган маънони аңлатса-да, унинг асл мазмун-моҳиятини ушбу кичик жумла билан тўлиқ ифодалаб бўлмайди.

Декриминализация жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, ўзида мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараённи акс эттиради ва қуйидагиларни қамраб олади:

а) мутлоқ декриминализация - ижтимоий хавфлилик хусусиятини бутунлай йўқотган қилмишларнинг жиноийлигини узил-кесил бекор қилиб, бундай қилмишлар учун лозим бўлса маъмурий, интизомий, моддий ёки фуқаролик жавобгарлигини ўрнатиш, агар қилмиш ҳуқуқбузарлик хусусиятини ҳам бутунлай йўқотган бўлса, унга бошқа енгилроқ турда-

ги жавобгарлик чораларини белгиламасдан ҳам декриминализация қилиш;

б) нисбий декриминализация - эски нормадан фарқли равишда янгисида қилмишни жиноят деб топиш айбнинг муайян шакли (тўғри қасд)га, ижтимоий хавfli оқибат, аниқ миқдор (анча, кўп, жуда кўп миқдор)даги зарар етказилишига боғлиқ бўлади. Маъмурий, интизомий преюдиция белгилаш, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра енгилроқ турига ўтказиш кабилар.

Жиноий қилмишни декриминализация қилиш ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий белгиларга эга бўлиб, улар қуйидагиларда номён бўлади:

а) ижтимоий ҳаётда шарт-шароитларнинг ўзгариш билан муайян турдаги қилмишларнинг ўз жиноийлик хусусиятларини йўқотиши;

б) давлатнинг ваколатли органи томонидан декриминализация акти қабул қилиниши орқали амалга оширилиши;

в) халқ эрки-иродасининг ифодаси сифатида қонунчиликда акс эттирилиши;

г) ўзида инсонпарварлик, адолат принципларини чуқур сингдирганлиги;

д) давлат жиноят ҳуқуқий сиёсатининг муҳим йўналиши эканлиги;

е) давлатнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ эмаслигини аңлатиши;

ё) жиноятчиликка ва жамиятдаги турли иллатларга қарши курашишда репрессив усуллардан кўра анча самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан арзонроқ бўлган жамоатчилик назорати усулларига кенгроқ йўл очиб бериши ва ҳоказо.

Декриминализациянинг юқорида санаб ўтилган мазкур белгиларида унинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва ғоявий асослари ҳам ўз ифодасини топган.

Маълумки, роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб давлатларда жиноят ҳуқуқининг асосини

жиноят қонуни ташкил этади. Давлат ижтимоий муносабатларнинг муайян турларини жиноят қонунида тақиқлаш (моҳиятан ҳимоя қилиш) орқали инсон ҳулқ-атворининг алоҳида кўринишларига ўзининг баҳосини беради. Қонун чиқарувчи алоҳида қилмишларни шахс, жамият, давлат учун хавфли деб топади ва уларни криминализация қилади, яъни уларни жиноят деб эътироф этади ва аксинча, муайян бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга эмаслигини аниқлагач эса, декриминализация қилади.

Ф.Ражабовнинг фикрича “Декриминализация – қилмишнинг жиноийлигини, яъни қилмишга нисбатан белгиланган жиноий жавобгарликни бекор қилишдир. Декриминализация атамаси бир қарашда ушбу маънони англатса-да, унинг асл мазмун-моҳиятини мазкур жумла билан тўлиқ ифодалаб бўлмайди. Бу тушунча кенг қамровли бўлиб, ўзида мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараённи акс эттирувчи инсонпарварлик, адолат принципларини, давлатнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ эмаслиги, жиноятчиликка ва жамиятдаги турли иллатларга қарши курашда репрессив усуллардан кўра анча самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан арзонроқ бўлган жамоатчилик назорати усулларига кенгроқ йўл очиб бериш кабиларни намоён этади”.

Криминализация ва декриминализациянинг бундай таърифи умумий кўринишга эга бўлиб, тадқиқотчи Ф.Ражабов айтганидек, доимо мазкур тушунчаларнинг мазмунини тўла ва аниқ ифодалаб беролмайди. Юридик адабиётларда криминализация ва декриминализация хусусида турли таърифларни учратиш мумкин. Уларни таснифлашда Л.М.Прозументов ва А.В.Шеслернинг криминология асарида келтирилган таснифни эслаб ўтиш ўринли бўлади. Мазкур асарда кўриб чиқилаётган тушунчаларга иккита асосий ёндашув мавжудлиги ажратиб кўрсатилган.

Биринчи ёндашув, қилмишни криминализация ва декриминализация қилишни кенг маънода тушуниш билан боғлиқ бўлиб, бунда, Р.Р.Галиакбаровнинг қуйидаги фикри мисол қилиб келтирилади. “Криминализация деганда, нафақат қонунда жиноятлар янги таркибларининг муайян белгилари мустақамланишини, шунингдек, мавжуд жиноят таркиблари санкциялари юқори чегарасининг ўсишини, айрим турдаги судланганларга нисбатан жазодан озод қилиш институтининг қўлланиши бўйича алоҳида чекловларни, субъектлар учун янада кенгроқ доирадаги ноҳуш ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи умумий хусусият касб этувчи нормаларни ишлаб чиқиши тушунилади.

В.Н.Кудрявцевнинг фикрича, “криминализациянинг бир таркиби пенализация ҳисобланиб, у ўзида жиноий деб тан олинган қилмишларга нисбатан жиноий жазони белгилашни ифода этади”. Дарҳақиқат, пенализация даражаси моҳиятан у ёки бу қилмиш криминализациясининг интенсивлиги (тезкорлиги) кўрсаткичидир.

Депенализация эса, пенализацияга тескари жараён бўлиб, декриминализациянинг элементи ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, депенализация декриминализациянинг узвий давоми эмас, чунки декриминализация қилмишнинг жиноийлигини (демакки, унинг жазога сазоворлигини ҳам) бутунлай бекор қилишда ифодаланади, яъни декриминализация бу маънода ўзига хосликка эга. Депенализация эса, жазо турларининг улар жазолаш имкониятининг камайтирилиши томон ўзгартирилишида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян таркибли жиноятларда санкция ҳажмининг пасайтирилишида ифодаланади.

Иккинчи ёндашув, қилмишларнинг криминализация ва декриминализацияси тушунчаларини тор маънода тушуниш билан боғлиқ бўлиб, бунда Г.А.Злобин ва С.Г.Келина “криминализацияни у ёки бу хилдаги ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг жиноят сифатидаги ҳуқуқий ифодаси, дея таърифлайдилар ва қилмишнинг жиноятлар туркумидан чиқариб ташланиши, унинг жазога сазоворлигининг бекор қилинишини эса, декриминализация деб атайдилар”. Декриминализацияни А.И.Коробеев “қилмиш ижтимоий хавфлилигининг бекор қилиниши асосларини белгиловчи, улар билан жиноят-ҳуқуқий курашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиш ва уларнинг жиноий жазога сазоворлигини бекор қилиш билан боғлиқ жараён, деб кўрсатади. Шунингдек, криминализацияни жиноят деб топиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар доирасини белгилаш, деб ифода этади ҳамда декриминализацияни у ёки бу қилмишнинг жиноятлар сафидан чиқариб ташланиши”, дея изоҳлайди.

Криминализация ва декриминализация хусусидаги юқоридаги фикрлар таҳлилдан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, криминализация – бу қилмишни жиноят қонунида ижтимоий хавфли деб топиш ҳамда уни жиноий жазога сазовор деб эълон қилишдир. Декриминализация эса, қилмишни ижтимоий хавфли эмас ва жиноий жазога сазовор эмас деб топиш (қилмишни жиноят қонунидан чиқариб ташлаш)дир.

Декриминализация масалаларини Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, жиноий қилмишларни декриминализация қилишнинг икки асосий тури мавжуд бўлиб, булар нисбий ва мутлақ декриминализациядир. Нисбий декриминализация муайян қилмишни жиноятлар қаторидан чиқариш учун тўлиқ шарт-шароит юзага келмаган тақдирда амалга оширилади.

Мутлақ декриминализация деганда, муайян қилмишнинг жиноятлар қаторидан тўлиқ, яъни бутунлай чиқариб ташланишини тушуниш лозим. Бунда жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар (жиноят таркиби) ижтимоий зарурат туфайли мутлақ бекор қилинади.

Мутлақ декриминализацияни ҳам ўз хусусиятига кўра икки турга ажратиш мумкин. Яъни:

ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган, лекин ҳуқуқбузарлик белгилари бутунлай сақланиб қолган қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиб, уни маъмурий, интизомий, моддий, молиявий ёки фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган қонунларга ўтказиш;

ижтимоий хавфлилик хусусияти билан бир қаторда ҳуқуқбузарлик белгиларини ҳам йўқотган қилмишларни узил-кесил декриминализация қилиш. Мутлақ декриминализациянинг ушбу турида муайян турдаги ҳаракатларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъқиқ бекор қилиниб, улар қонунга хилоф бўлмаган ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

Ф.Ражабовнинг қайд этишича, декриминализация турларига “суд-тергов декриминализацияси”ни ҳам қўшиш лозим. Суд-тергов декриминализациясини амалга ошириш имконияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 65-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ ишни тергов қилиш ва судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Мисол тариқасида, Жиноят кодексига ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи 661-моддани мисол қилиб келтириш мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, декриминализациянинг мазкур тури фақатгина ишни тергов қилиш ва судда кўриш пайтида қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганда, яъни аниқ содир этилган муайян қилмишга нисбатан суд-тергов органининг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори билан қўлланилади. Ушбу ҳолатда жиноят қонунида қилмишнинг жиноийлиги ўзгармасдан қолади.

Қилмишни декриминализация қилиш амалдаги жиноят қонуни нормаларининг самарадорлигини (умуман бугунги кундаги ҳолатини) ўрганиш ва ижтимоий хавфлиги мавжуд бўлмаган, жиноят-ҳуқуқий воситалар билан кураш олиб бориш самарасиз ҳамда мақсадга мувофиқ бўлмаган қилмишларни жиноий нормалар орасидан излаб топил ва уларни мазкур қонун нормалари қаторидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ жараён сифатида тавсифланади. Декриминализациянинг натижаси деб эса, декриминализация қилинган қилмиш учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш тушунилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, жиноий қилмишларни криминализация ёки декриминализация қилиш ўз хусусиятига кўра қатъий ҳодиса ҳисобланмайди. Зеро, жамият ва давлатдаги муайян сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-

маърифий ривожланиш шароитларига боғлиқ равишда жиноятларга ва жиноий жазога тортишга тааллуқи бўлган қилмишлар доирасининг кенгайиши ёки торайиши содир бўлади. Мазкур хусусиятдан келиб чиқиб, жиноий қилмишларни криминализация ва декриминализация қилиш жараёнини динамик ҳодиса сифатида таърифлашимиз мумкин.

Жиноят қонунининг инсонпарварлашуви, давлатчилик ривожининг асосий принципларидан бири бўлиб, жамиятнинг ички ва ташқи хавфсизлиги тартиботига таҳдид солувчи жиноятларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги ва шавқатсиз жазо чораларининг қўлланилиши объектив равишда муайян жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитдан келиб чиқади. Давлатимиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, эркин ва обод фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бориб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислохотлар дадил амалга оширилиб келинмоқда. Шу қаторда жиноятчиликка қарши кураш соҳасида турли репрессив таъқиқ усулларидан воз кечилиб, жиноятчиликнинг олдини олишда самарали бўлган, инсон онгига тез, самарали ҳамда ижобий таъсир этувчи иқтисодий санкцияларни қўллаш, жамоатчилик назорати каби институтлардан янада кенгрок фойдаланилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юртимизда амалга оширилаётган жиноят қонунини либераллаштириш жараёнида жиноий қилмишларни криминализация қилишдан кўра, эътиборни декриминализация жараёнига қаратиш кўпроқ самарали натижаларга олиб келади.

Саркор ШОДМОНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анденес И. Наказания и предупреждения преступлений. / Перевод с англ. языка под ред. Б.С. Никифорова./ Москва, 1979.
2. Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми Х бобида шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Қ.Абдурасулова. – Т.:ТДЮУ, 2013 – Б. 4.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2023. –72 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами Кенгагининг Ахборотномаси, 2023 й., 4-сон.
5. Шавкат Миромонович Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари. Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488.
6. Шавкат Миромонович Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК: ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ЁНДАШУВЛАР

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада хорижий давлатлар ва Ўзбекистон конституцияларидаги интеллектуал мулк ҳуқуқи таҳлил қилинади. Муаллиф, шунингдек, уларда интеллектуал мулк ҳуқуқининг акс эттирилиши бўйича ёндашувлар, ўзига хос хусусиятлари, аралаш моделлар, жамоавий интеллектуал мулкни конституциявий тартибга солиш масалаларини ўрганади.

Калит сўзлар: конституция, интеллектуал мулк, ижод эркинлиги, тартибга солиш моделлари, аралаш модел, жамоавий интеллектуал мулк

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ва уни тижоратлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Агар интеллектуал мулк масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармасак, Ўзбекистон 10 йилдан кейин ҳам рақобатбардош бўлмайди”.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг асосларига эга. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 моддасида интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши қайд этилган. Натижада интеллектуал мулк илк бор конституциявий-ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Жаҳон конституция ижодкорлиги амалиётида ҳам интеллектуал мулкни конституциявий тартибга солиш масалаларига катта эътибор қаратилади. Конституцияга интеллектуал мулк тўғрисидаги нормалар киритилмаган бўлса-да, умумий қонунчилик ҳужжатларига таянган ҳолда уни ҳимоялаш чоралари кўрилади. Умуман олганда, интеллектуал мулк ҳуқуқини конституциявий тартибга солишга қаратилган замонавий халқаро тажрибани таҳлил қилдиган бўлсак, мазкур соҳадаги нормалар тузилиши иккита асосий ёндашувни ўзида акс эттиришини кўриш мумкин.

Биринчи ёндашув тарихий жиҳатдан тасдиқланган, ҳозирги вақтда “интеллектуал мулк” тушунчаси билан боғлиқ бўлган конституциявий қоидалар бўлиб, Конституция матнида ушбу атама мавжуд эмас. Иккинчи ёндашув – конституциявий матнда “интеллектуал мулк” тушунчасидан фойдаланишда ифодаланади.

Г.Н.Андрееванинг фикрича, биринчи ёндашув жуда кўп вариантларга эга бўлиб, энг кенг тарқалган кўринишлари куйидагилардир.

Биринчидан, бир қатор мамлакатларда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш умумий мулк қоидалар асосида амалга оширилади.

Хусусан, Германия Федератив Республикасининг 1949 йилдаги Асосий қонунининг 14-модда-

сида кўплаб конституцияларда фойдаланилган машҳур қоида мавжуд:

“1. Мулк ва мерос ҳуқуқи кафолатланади. Уларнинг мазмуни ва чегаралари қонун билан белгиланади.

2. Мулк мажбуриятни юклайди. Ундан фойдаланиш умумий манфаатга хизмат қилиши керак”.

Ушбу моддада интеллектуал мулк ҳақида тўғридан-тўғри гапирилмайди, аммо Германия конституциявий ҳуқуқида ушбу моддага мувофиқ мулк ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олади.

Шу сабабдан Германияда интеллектуал мулк ҳуқуқларини конституциявий тартибга солишни таҳлил қилганда, немис олимлари Асосий қонуннинг 14-моддаси қоидаларини таъкидлайдилар.

Германия Федерал Конституциявий суди бир неча бор мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни интеллектуал мулк ҳуқуқларига нисбатан тадқиқ қилувчи қарорлар қабул қилган.

ГФР Конституциясининг мазкур нормаларини таҳлил қилар эканмиз, кўз олдимишга эски таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 53-54-моддалари келди.

Мазкур тажриба янгиланган Конституциянинг 65-66-моддаларини ҳам бевосита интеллектуал мулк ҳуқуқига тааллуқли деб топиш мумкинлигини кўрсатади.

Иккинчидан, “интеллектуал мулк” атамаси ишлатилмайдиган ёндашув доирасида, интеллектуал мулк ҳуқуқларини тартибга солувчи қоидалар фан, техника ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар сифатида намоён қилади. Гарчи жиддий ривожланган бўлишига қарамай, баъзи мамлакатларда ушбу вариант ўзидан аввалгилари билан “рақобатлашади”. Шу билан бирга, бир неча конституциявий моддалар интеллектуал мулк муносабатлари билан боғлиниши мумкин бўлган мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ижод эркинлиги тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солишни афзал кўрувчи кўпгина тарафдорлар мавжуд.

Масалан, испан доктринасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини тартибга солиш Испания Конституциясининг 33-моддаси 1-бандига (“хусусий мулк ҳуқуқи ва унинг меросийлиги тан олинади”) тегишлими ёки унинг 20-моддаси 1-бандининг “б” кичик бандига (“... техник, илмий, бадиий, адабий ижод ва ишлаб чиқариш ҳуқуқлари тан олинади ва ҳимоя қилинади”) тегишлими, деган савол мунозарали ҳисобланади.

Учинчидан, интеллектуал мулк ҳуқуқини мазкур тушунчани келтирмасдан тартибга солишнинг дастлабки (ва биринчилардан бўлиб конституциявий даражада пайдо бўлган) вариантларидан бири АҚШ Конституциясининг 1-моддаси 8-бўлимининг қоидаси бўлиб, унда “Конгресс муаллифлар ва ихтирочиларнинг ўз асарлари ва кашфиётларига бўлган мулк ҳуқуқларини маълум муддатга ҳимоя қилиб, фанлар ва фойдали санъатнинг ривожланишига қўмаклашиш ваколати” назарда тутилган.

Америка фанида муаллифлик ёки патент клаузуласи (IP Clause) сифатида танилган ушбу қоида интеллектуал мулк ҳуқуқининг турли жиҳатларини ҳимоя қилишга имкон беради: фанлар, муаллифлар ва асарларнинг эслатиб ўтилиши муаллифлик ҳуқуқи учун асос яратган бўлса, “фойдали санъат” ва “кашфиётлар” – патент ҳуқуқи учун асос вазифасини бажаради.

АҚШ Олий суди ўз қарорларида ушбу банднинг кенг шарҳланишига имкон берувчи доктринани фаол ишлаб чиқди ва ишлаб чиқишда давом этмоқда. Хусусан, у “қуёш остида мавжуд бўлган барча инсоният ижодига” патент муҳофазасини татбиқ этди, бу эса бир қатор янги технологияларни конституциявий ҳимоя қилиш имконини берди. У генетик жиҳатдан ўзгартирилган тирик организмларни табиатда мавжуд бўлмаган генетик муҳандислик натижалари сифатида патентлаш объекти дея тан олди.

Шунингдек, *Diamond vs Diehr and Lutton* иши бўйича қабул қилган қарори билан дастурий таъминотни яратиш жараёни ҳам патентланиши ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари сингари ҳимоя қилиниши мумкинлигини белгилаб берди.

Тўртинчидан, интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқлар назарияси конституциявий даражада интеллектуал мулк ҳуқуқининг турли субъектлари: рассомлар, ёзувчилар, ижрочилар, фотосуратчилар, муҳандислар ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қоидаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқларини конституциявий тартибга солишнинг дастлабки вариантларидан бири бўлиб, у биринчи конституциявий актларда қўлланилган.

Замонавий конституцияларда бу рўйхат жуда кенг ва хилма-хилдир. Жумладан, 1974 йилги Швеция Конституциясининг 16-моддасида “ёзувчилар, рассомлар ва фотосуратчилар қонун қоидаларга мувофиқ ўз асарлари ҳуқуқларига эга” деб белгилаб қўйилган.

Корея Республикасининг 1947 йилги Конституцияси 22 моддасида “муаллифлик ҳуқуқлари, ихтирочилар, олимлар, муҳандислар ва рассомларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади” деган қоида бор.

Бешинчидан, конституцияда муаллифлик ва патент ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган яна бир вариант ҳам мавжуд. Масалан, Мўғулистоннинг 1992 йилги Конституциясининг 16-моддаси 8-бандида “муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади” деган қоида мустаҳкамланган.

Конституциявий тартибга солишнинг иккинчи ёндашуви, юқорида таъкидланганидек, конституцияда “интеллектуал мулк” тушунчасидан фойдаланишдир. У пост-социалистик мамлакатларда, Лотин Америкаси мамлакатларида, Африканинг бир қатор мамлакатлари (Ангола, Буркина Фасо, Конго, Мозамбик ва бошқалар)да кенг тарқалган, шунингдек дунёнинг турли минтақаларидаги (Папуа-Янги Гвинея, Шарқий Тимор, Мадагаскар ва бошқа) баъзи мамлакатларнинг энг янги конституцияларида қўлланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, интеллектуал мулк ҳуқуқини конституциявий тартибга солишнинг ушбу замонавий варианты бошқа барча қоидаларни ўзлаштирувчи ва алмаштирувчи, шу билан бирга, аъъанавий тартибга солишни тўлдирувчи сифатида тавсифланиши мумкин (ушбу вариант кўпроқ тарқалган). Иккинчи ҳолатда, бу турли хил қоидаларга “боғланган”; ижод эркинлиги, муаллифлик ва ихтирога бўлган ҳуқуқ, давлатнинг фан соҳасидаги сиёсати ва бошқалар.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк ҳуқуқини конституциявий тартибга солиш бўйича конституциявий ёндашувларнинг хилма-хиллиги бу билан чекланмайди. Юқоридаги вариантларнинг турли жиҳатларини бирлаштирган конституциявий тартибга солишнинг кўплаб аралаш вариантлари ҳам мавжуд.

Хусусан, Испания Конституцияси, илгари кўриб чиқилган (интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан доктринада рақобатлашадиган, ammo ушбу тушунчани эслатмайдиган) ҳуқуқ қоидаларига қўшимча равишда ваколатлар тўғрисидаги моддада (яъни АҚШ Конституциясининг модели) ҳам интеллектуал мулк тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади. 149-моддада интеллектуал ва саноат мулки тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш давлат ваколатида эканлиги белгиланган. Бундан кўринадики, ушбу Конституцияда интеллектуал мулкни тартибга солувчи аъъанавий нормалар ва аъъанавий ваколатларни тартибга солувчи янги тушунчалар бирлаштирилган. Мазкур ҳолат кўпгина давлатлар конституцияларида мавжуд аралаш моделлардан фақатгина бир мисол бўлиб, уларни ўрганиш, ушбу масаланинг ҳажми анча катталиги туфайли ушбу мақола доирасидан ташқарида ҳисобланади.

Бирок, бир қатор ноанъанавий нормаларини ўзида жам этган конституциялар борки, улар ҳам бево-сита интеллектуал мулкка тааллуқлилиги сабабли келтириб ўтишни лозим деб топдик. Бу жамоавий интеллектуал мулк ва унга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги конституциявий қоидалардир. Ушбу ҳолатда ҳаммуаллифликдаги эмас, балки жамоавий интеллектуал мулк ҳақида гап кетаётганлиги аҳамиятлидир. Ўзбекистон ва бошқа МДХ давлатлари конституцияларида бунга оид нормалар мавжуд эмас.

“Жамоавий интеллектуал мулк” тушунчаси Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари (Венесуэла, Эквадор, Боливия, Мексика ва бошқалар) конституцияларида учрайди ва Лотин Америкаси мамлакатлари маҳаллий халқларининг тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида киритилган. Кўплаб конституциялар ва халқаро ҳужжатларда анъанавий равишда инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, интеллектуал мулк ҳуқуқи индивидуал ҳуқуқлар сифатида талқин қилинган.

Лекин, маҳаллий халқларни турли маданиятли кўп миллатли жамиятнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқадиган концепция тасдиқланганлиги сабабли маҳаллий халқларнинг махсус ҳуқуқлари халқаро ҳамжамият томонидан тан олиними, шунингдек, ушбу соҳада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пайдо бўлиши маҳаллий жамоаларга тегишли бўлган турли хил жамоавий ҳуқуқлар мавжудлигининг тан олинмига олиб келди. Бунда интеллектуал мулкка бир шахсга эмас, балки бутун жамоага тегишли мулк сифатида қаралади, шунингдек, жамоавий интеллектуал мулкнинг якка шахсга тегишли деб топилишига ёки бошқача тарзда ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу ҳуқуқларнинг тан олиними уларсиз маҳаллий халқларнинг маданий ўзига хослигини таъминлаш жуда қийин ёки умуман имконсиз эканлигини англаш билан боғлиқ эди. 1999 йилдаги Венесуэла Конституциясининг 124-моддасига қуйидаги қоидалар киритилган: “ҳинду халқларининг билимлари, технологиялари ва янгиликларига жамоавий интеллектуал мулк кафолатланади ва ҳимоя қилинади. Генетик ресурслар ва улар билан боғлиқ бўлган билимлар билан боғлиқ ҳар қандай фаолият жамоавий фойда келтиради. Ушбу манбалар ва қадимий билимлар учун патентларни рўйхатдан ўтказиш тақиқланади.”

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мулк ҳуқуқини замонавий конституциявий тартибга солиш хилма-хилдир. Давлатлар ўртасида конституциявий тартибга солиш вазибалари, интеллектуал мулк муносабатларининг ривожланиши ва уларни амалдаги қонунчиликда тартибга солиш даражаси, конституциявий тартибга солиш анъаналарига риоя қилиш ва конституциявий қонун чиқарувчининг бошқа мамлакатлар конституцияларидан замонавий янгиликларни киритишга мойиллиги ва (ёки) халқаро нормаларни трансплантация қилишда объектив равишда мавжуд бўлган фарқлар интеллектуал мулк муносабатларини конституциявий тартибга солиш ёндашувлари-

да сезиларли хилма-хилликни келтириб чиқаради, шунингдек, “аралаш” моделларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон конституциявий тажрибаси мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Янгиланган Конституциянинг 53-моддасида белгиланган ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши тўғрисидаги нормалари биринчи ёндашувга тааллуқли бўлса, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланганлиги иккинчи ёндашувга хосдир. Албатта, бу ҳеч қандай англашилмовчиликни келтириб чиқармайди. Мазкур нормалар бир-бирини тўлдирари.

Нурбек ТОШКАНОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Annie Brown (Brand Finance), Jack Gregory (WIPO) and Sacha Wunsch-Vincent (WIPO). Intangible assets owned by all listed companies grew to USD 74 trillion in 2021 - the US and China have the most intangible-asset intensive firms in, respectively, high- and middle-income economies. URL: https://www.wipo.int/global_innovation_index/en/news/2022/news_0007.html
2. Андреева Г.Н. Проблемы исследования истории конституционного регулирования интеллектуальной собственности в зарубежных странах в российской науке конституционного права // Вопросы эволюции правовой мысли человечества: Сб. ст. IX Междунар. науч.-практ. конф. (13 мая 2017 г., г. Самара). – Уфа, 2017. – С. 15–20.
3. Андреева Г.Н. Собственность в конституциях зарубежных стран XVII–XX вв. – М., 2009. – С. 124–125
4. Андреев К.Ю. Правовой статус коренных малочисленных народов в зарубежных странах: Справочник. – М., 2006. – С. 12–23.
5. Г.Н. Андреева. Конституционные основы права интеллектуальной собственности в зарубежных странах. Право интеллектуальной собственности: Сб. науч. тр. / РАН. ИНИОН. Центр социал. науч.-информ. исслед. отд. правопедения; МГУ им. М.В. Ломоносова. Каф. предпринимательского права; Отв. ред. Афанасьева Е.Г. – М., 2017. – С. 9–20.
6. Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland. Seite 5 von 50. URL: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/325579>
7. Демин Е.А. Конституционно-правовые гарантии и ограничения права собственности в Германии // Законодательство. – М., 2003. – № 5. – С. 76–77.
8. Коммерциализация интеллектуальной собственности / В. И. Мухомад. — М.: Магистр : ИНФРА-М, 2010. — с. 25
9. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3887>
10. Интеллектуал мулк ҳуқуқи / О.Оқюлов; Масъул муҳаррир: Р.Ж.Рўзиев; Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. 5-бет
11. Интеллектуальная собственность под охраной закона: монография / Т. Л. Калачева, О. П. Попова. – Хабаровск : Изд-во Тихоокеан. гос. ун-та, 2018. – Стр. 11
12. Lang Th. Immaterialgüterrechtliche Lizenzierung und Kartellrechtliche Verhaltenskontrolle. – Frankfurt a.M., 2009. – S. 13.
13. Minero Alejandre G. Aproximación jurídica al concepto de derecho de autor: Intento de calificación como libertad de producción artística y científica o como derecho de propiedad // Dilemata. Revista internacional de éticas aplicadas. – Madrid, 2013. – N 12. – P. 234.
14. Moreno L.X. La cultura en la Constitución de 1999 (República Bolivariana de Venezuela). – México, 2015. – С. 103.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИДА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ: ПРОЦЕССУАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят процессида ишни судга қадар юритишнинг шакли бўлган терговга қадар текширувга оид нормалар таҳлил қилинган ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: *Миллий гвардия, терговга қадар текширув, жиноят иши қўзғатиш, экспертиза ўтказиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, муддатлар, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш, тергов ҳаракатлари, ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, ҳимоячи.*

Ишни судга қадар юритиш босқичида терговга қадар текширув муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, дастлабки далилларни тўплаш, шахсларнинг тушунтиришлари ва бошқа маълумотларга тўғри ва холисона баҳо бериш жиноят ишини тергов қилиш босқичи ва суд процессида исбот қилиш шартларини тўлиқ бажарилиши ва адолатли қарор қабул қилинишига олиб келади.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 320²-моддасида терговга қадар текширувга алоҳида таъриф берилган бўлиб, унга кўра терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 329-моддасида “Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби” белгиланган бўлиб, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунигача қадар ёхуд терговга қадар текширув материалари ЖПКнинг 587-моддасига мувофиқ прокуратурага юборилгунигача қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Белгиланган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

2023 йилнинг 8 оyi давомида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия органлари иш юритишда бўлган терговга қадар текширув ҳужжатлари жами 530 тани ташкил этиб, шулардан Миллий гвардия Навоий вилояти бошқармасида 71 та, Самарқанд вилояти бошқармасида 36 та, Фарғона ва Андижон вилоятлари бошқармаларида 29 тадан, Наманган вилояти бошқармасида 31 та, Сурхондарё вилояти бо-

шқармасида 21 та, Жиззах вилояти бошқармасида 16 та, Тошкент шаҳри бошқармасида 15 та ва Тошкент вилояти бошқармасида 13 тани ташкил этган.

Терговга қадар текширув ҳақида бир қанча олимлар ўз фикрларини баён этганлар. Жумладан, Д.М.Миразовнинг фикрича, “Терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда жинoий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади”.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим П.А.Лупинскаянинг фикрича, терговга қадар текширув жараёни тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш, аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш, аризада кўрсатилган асл маълумотларни таҳлил қилиш, аризачининг шахсини аниқлаш, аризанинг терговга тегишлилиги бўйича жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилишни аниқ белгилаб берувчи ҳаракатлар мажмуини назарда тутати.

Яна бир олим Г.П.Химичева шундай дейди: “Терговга қадар текширув-жиноят иши қўзғатиш босқичида жиноят-процессуал фаолиятнинг мажбурий қисми бўлиб, процессуал хусусиятга эга”.

Жиноят-процессуал кодекснинг 381²-моддаси 5-банди талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари Жиноят кодексининг 250¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари) ва 259¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув олиб бориши белгиланган бўлиб, шу тоифадаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ҳам Миллий гвардия томонидан ўтказилмоқда. Шунингдек, ЖПКнинг 345-моддаси талабларига кўра, Жиноят кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган ва ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилиши кўрсатилган. Бироқ, Миллий гвардияда (ходимлар билан бир қаторда) ҳарбий хизматчилар хизмат қилишини инобатга олиб, шу тоифадаги айрим жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув Миллий гвардия органлари томонидан ўтказиб келинмоқда.

Шу сабабли, Миллий гвардия органларида терговга қадар текширув деганда, Миллий гвардия ваколатига кирувчи Жиноят кодекси моддалари билан бир қаторда ҳарбий

хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар билан боғлиқ терговга қадар текширувни ҳам тушуниш лозим.

Рус олими С.М.Мальков “ҳарбий хизматни ўташ тартибини ҳуқуқий нормалар таъсири натижасида шаклланди-ган, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ ўзаро муносабатларнинг ҳолати” сифатида таърифлаган.

Шу сабабли, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларнинг фаолияти ҳамда улар билан боғлиқ жиноят ҳақидаги аризаларни текширишда алоҳида ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси 3-қисмида “Жиноят кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.”-деб кўрсатилган бўлса, ЖПКнинг 381²-моддаси 5-бандида “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари-Жиноят кодексининг 250¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари) ва 259¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув олиб борилиши белгиланган.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 391-моддасида “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар” кўрсатилган бўлиб, мазкур модданинг 13-бандида, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширишлари белгиланган.

Бундан ташқари, яна терговга қадар текширув давомида вужудга келаётган яна бир муаммо ҳақида тўхталиш лозим.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси талабларига кўра, терговга қадар текширув давомида кўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмида “...шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади”, -деб кўрсатилган.

Терговга қадар текширув давомида, экспертиза ўтказиш мумкин бўлсада, бироқ, кўп ҳолларда амалиётда экспертиза текшируви учун намуналар олиш зарурати келиб чиқаётган бўлиб, ЖПКнинг 191-моддаси талабларига кўра, намуна олиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқариши белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида экспертиза ўтказиш учун намуналар олиниши ЖПК нормаларига зид ҳисобланади.

Шу сабабли, келгусида Жиноят-процессуал кодексининг 181-моддаси ва 329-моддасига терговга қадар текширув давомида экспертиза ўтказиш учун намуналар олиш мумкинлигини белгилловчи норма киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддаси талабларига кўра, “Ҳимоячи гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва судланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тар-

тибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир. Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.”-деб кўрсатилган бўлиб, терговга қадар текширув босқичида адвокатларнинг иштирок этиши далиллар мақбул бўлиши, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари тўлақонли таъминланиши ва адолатли қарор қабул қилинишига олиб келади.

Шу сабабли, жиноят процессида ҳимоячининг мақоми кучайтириш мақсадида, терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этишни йўлга қўйиш лозим.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексини 329¹-модда билан тўлдириб, унда терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиши, ҳимоячи жалб этилиши ва ҳуқуқий мақомлари кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларни инобатга олиб айтиш мумкинки, Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши жиноят-процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, терговга қадар текширув ўтказиш босқичида қонунийликни таъминлаш ва амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг бартараф этилишига олиб келади.

Шахзод АЛИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Тошкент вилояти бўйича бошқармаси
Юридик хизмат бошлиғи.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.-1994 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.-1994 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси.
4. Ўзбекистон Республикаси “Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни. - 2020 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.-2022й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.- 2012 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сонли Фармони.
8. Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари. Ўқув қўлланма.-Тошкент ИИВ Академияси, 2016.-Б.4.
9. Химичева Г.П. “Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности.” Монография. Москва. 2003 г.
10. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник/ ответственный редактор П.А.Лупинская. 2-е издание., перераб. и допол. -Москва., 2011 С.458
11. Мальков С.М. Содержание объекта преступления против военной службы и его значение для систематизации главы 33 Уголовного кодекса РФ// Современное право. 2017. №8. С.79.
12. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИДА МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ЮЗАСИДАН МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чораси - судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ мажбурлов чораси ҳисобланиши ва унинг халқаро доиралардаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит созлар: суд-ҳуқуқ соҳаси, суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, демократик асослар, мажбурий келтириш, фуқаролик суди, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон.

Мажбурий келтириш Ўзбекистон Республикаси ФПК, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон қарори билан тасдиқланган “Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги” йўриқномаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрдаги 1024-сон қарори билан тасдиқланган “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг қуйидаги муносабатларга нисбатан мажбурий келтириш амалга оширилади.

Алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши (ФПК 186-моддаси). Агар суд алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келишини шарт деб топган ҳолда жавобгар суд томонидан узрсиз деб топилган сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади.

Бундан ташқари, 222-моддада гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимоннинг суд мажлисига келмаганлиги учун ҳам мажбурий келтириш ўз аксини топган бўлиб, унга асосан, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон суд мажлисига келмаган тақдирда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни уларсиз кўриш мумкинлиги тўғрисидаги фикрларини эшитади ва суд муҳокамасини давом эттириш ёки иш муҳокамасини кейинга қолдириш ҳақида ажрим чиқаради. Агар чақирилган гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, уларга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари (огоҳлантириш, суд жаримаси) қўлланилиши мумкин. Агар чақирилган гувоҳ иккинчи чақирув бўйича суд мажлисига келмаса, у суднинг ажримига биноан мажбурий тартибда келтирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги низомда фуқаролик процессуал мажбурлов чорасини қўллаш юзасидан йўриқномага асосан суд томонидан мажбурий келтирилиши лозим деб топилган суд иштирокчисига нисбатан қилиниши лозим бўлган ҳаракат-

лар амалга оширилади. Ушбу низомнинг 3-банд 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 313-моддасига мувофиқ суд муҳокамасида иштирок этиши шарт бўлган ёки судга келиши ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан шарт деб топилган, тегишли тарзда хабардор қилинган шахс судга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёхуд келмаганлиги сабабларини маълум қилмаса, суд томонидан унга нисбатан мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқарилиши мумкин.

Ушбу низомнинг 4-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 144-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, касаллиги, ёши ёки бошқа узрли сабабларга кўра суд мажлисига кела олмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги ажрим келиб тушган куннинг ўзида ички ишлар органининг котибиятида юритилган махсус журналда рўйхатга олинishi ва ички ишлар органи бошлиғи, у бўлмаганда унинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахс томонидан ижро этиш учун профилактика инспектори ёки жиноят қидирув ходимига топширилиши ва ижроси назорат қилиниши лозим.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги ажримнинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқа туман ёки вилоятга бориб келиш зарурати туғилганда бириктирилган ҳудудни ташлаб кетиш лозим бўлган ҳолатларда профилактика инспекторларига ажримни ижро этиш учун топшириш қатъиян тақиқланади.

Шахсни мажбурий келтириш шахс суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган ҳолатлардан ташқари соат 06:00 дан 22:00 гача бўлган вақт ораллиғида амалга оширилади.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни яшаш ёки иш жойидан топишнинг имкони бўлмай, ҳақиқий турар жойини аниқлаш учун вақт талаб этиладиган ҳолларда, мажбурий келтириш тўғрисидаги ажрим чиқарган судья бу ҳақида 5 кун муддатда хабардор қилинади.

Шу ўринда мажбурлов чораларининг яна бир тури бўлган огоҳлантириш ва суд залидан чиқариб юбориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтсак.

Огоҳлантириш ва суд мажлиси залидан чиқариб юбориш каби мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 145-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда суд мажлисида иштирок этув-

чилар белгиланган тартиб-қоидани бузса суд мажлисига раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади.

Ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддасида суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар у қўлланиладиган шахслар тоифасига қараб қуйидагича кўриниш ҳосил қилади:

биринчидан, ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахслар раислик қилувчи томонидан суд номидан огоҳлантирилади; иккинчидан, ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилади;

учинчидан, суд ишни кўришда ҳозир бўлган фуқароларга, агар улар тартибни бузсалар, энг кам иш ҳақининг беш ба-раваригача миқдорда жарима солинади;

тўртинчидан, прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилади. Агар мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилади ва айни вақтда суд бу ҳақда тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади;

бешинчидан, суд мажлисида тараф ёки учинчи шахс тартибни бузса, суд тартиббузарни иш кўриладиган ҳамма вақтга ёки унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юбори-лади. Суд мажлисида ҳар икки тараф (учинчи шахслар) тартибни бузса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Юқорида келтирганимиздек, суд мажлисида тартиб-қоидани менсимасан ҳолда уни бузувчиларга нисбатан кўриладиган процессуал мажбурлов чоралари тартиб қайси процесс иштирокчиси томонидан бузилишига кўра турлича асосларга эга. Яъни, жарима солиш фақат суд мажлисидаги тартибни бузган ишни кўришда ҳозир бўлган фуқароларга нисбатан қўлланилган. Жараён иштирокчиларига нисбатан эса огоҳлантириш, суд мажлиси залидан чиқариб юбориш, иш кўришни кейинга қолдириш, юқори турувчи прокурорга (прокурорнинг ҳаракатлари юзасидан) ёки адвокатлар палатасига (адвокатнинг процессуал тартибга риоя этмаганлиги учун) маълум қилиш процессуал чораларининг бошқа турлари қўлланилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 145-моддасига кўра судда раислик этувчи томонидан суд мажлиси тартибини бузётган шахс ёки шахслар оғзаки ёки ёзма равишда огоҳлантирилади. Бу огоҳлантиришни суд мажлиси баённомасига киритиш суд мажлиси котиби томонидан таъминланади.

Суд мажлиси залидан чиқариб юбориш эса огоҳлантирилган шахслар томонидан суд мажлисида қайта тартиббузарлик содир этилганда раислик этувчи томонидан ушбу шахслар суд мажлиси залидан чиқарилиб юборилиши мумкин. Назарий адабиётларда келтирилганки, ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни

кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса, раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Раислик этувчи томонидан суд мажлисидан чиқариб юбориш юзасидан ажрим (ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда) қабул қилинади ёки фармойиш (ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар)га асосан мазкур мажбурлов чораси амалга оширилади.

Мазкур мажбурлов чорасининг ўзига хос томони шундаки, агар суд мажлиси давомида оммавий тартибда қоида бузарлик ёки суд мажлиси тартиб қоидаларини менсимаслик ҳаракатлари ёки ҳолатлари кузатилса, раислик этувчи томонидан суд мажлиси кейинга қолдирилади.

Раислик этувчи томонидан суд тартиб-қоидасини бузган шахс иш кўриладиган барча вақтга ёки унинг маълум бир қисмига нисбатан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Кўриладиган ишнинг маълум бир қисми-дан вақтинчалик чиқарилиб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтадан қўйилганда раислик қилувчи унга залда бўлмаган вақт давомида қилинган процессуал ҳаракатлар ҳақида маълумот беради ҳамда улар билан таништирилади.

Ишни муҳокама қилиш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради. Гарчи у оғзаки эълон қилинсада, ёзма ёзилади ва суд мажлиси баённомасига киритилади.

Ушбу мажбурлов чораларининг ўзига хос томони шундаки, огоҳлантириш ёки суд залидан чиқариб юбориш мажбурлов чораси ишда қатнашаётган прокурорга ёки адвокатга нисбатан қўлланилса, ушбу ҳолат юзасидан ажрим чиқарилиши билан бирга раислик этувчининг фармойишига бўйсунмаганлиги учун шахсларга уларнинг юқори турувчи органларига юбориш учун хусусий ажрим расмийлаштиришига асос бўлади, ушбу хусусий ажрим эса уларга нисбатан ваколат доирасида қонуний чоралар кўрилишига олиб келади.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси,

Сардора ЖАЛИЛОВА,

Қашқадарё вилояти юридик

техникуми ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Есанова З. Фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чоралари: асослари, тартиби, бу соҳадаги янгиликлар // *Ревью оф лав ссиенсес.* – 2018. – №. 4.
2. См.: Бутнев В. В. Гражданская процессуальная ответственность. Ярославль, 1999. С. 31,42, 45.
3. Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма / М. М. Мамасиддиқов. – Тошкент: Бактрия пресс, 2014. – 424 234-б.
4. Шораҳметов Шоакбар Шорустамович, Тошкент Давлат юридик институтининг “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Дарслик). –Т.: “Адолат”, 2001. -512 161-бет.
5. Гражданский процесс: Учебник для студентов юридических вузов. Общая часть / С.А.Марипова; под. ред. Ш.Ш.Шораҳметова; М-во юстиции РУз, Ташк. гос. юрид. ин-т. – Т.: Издательство ТГУИУ, 2011. – 597 312 с.
6. Суд - шундай ҳокимиятки...//Тўпловчилар: Ш.Ақбаров, А.Жумаев/. – Т.: “Шарқ”, 1999. 66-бет.

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДА ТАХАЛЛУС ОСТИДАГИ ГУВОҲЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақола доирасида халқаро ҳужжатларда тахаллус остидаги гувоҳларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилади, миллий ҳамда хориж қонунчилик амалиётларидаги гувоҳнинг ҳолатига оид масалалар таҳлил қилинади. Шунингдек, халқаро ҳужжатларда махфий гувоҳларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарали механизмлари атрофлича ўрганилган.

Калит сўзлари: махфийлаштирилган гувоҳ, доктрина, жиноят процесси, хавфсизлик институти, гувоҳларнинг кўрсатувлари, махфийлик, миллий ва хорижий тажриба.

АННОТАЦИЯ:

в рамках данной статьи рассматриваются проблемы, связанные с правовой защитой конфиденциальных свидетелей в международных документах, а также анализируются вопросы, связанные со статусом свидетеля в отечественной и зарубежной правоприменительной практике. Также в международных документах подробно изучены эффективные механизмы правовой защиты тайных свидетелей и борьбы с преступностью.

Ключевые слова: засекреченный свидетель, доктрина, уголовный процесс, институт безопасности, показания свидетеля, конфиденциальности, зарубежный и национальный опыт.

Дунё миқёсида давлатлар ўртасида транс-миллий жиноятларга қарши кураш бўйича самарали механизми ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда. Ҳозирги кунда, жиноят ишлари соҳасида гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор халқаро шартномалар ва конвенциялар қабул қилинган ва ҳуқуқий тартибга солиниб, амал қилиниб келинмоқда. Бинобарин, ушбу халқаро ҳужжатларда махфий гувоҳларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам белгилаб қўйилган.

Халқаро ташкилотлар томонидан гувоҳларни ҳимоя қилишнинг турли хил восита ва усуллари ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқшунос олим Ю.В.Паукова "...ҳозирги даврда жиноят ишларида қатнашувчи шахсларнинг ҳаётига жиноятчилар томонидан турли таҳдид ва тажовузлар хавф солмоқда. Бунинг натижасида ҳар тўртта гувоҳдан биттасида кўрсатув беришдан бош тортиш ҳоллари кузатилмоқда ва бу глобал муаммога айланиб бормоқда", дейди.

2000 йил 15 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган "Гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конвенция ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади ва унинг мазмун моҳияти эътиборга лойиқдир. Ушбу Конвенциянинг 24-моддасида уюшган трансмиллий жиноятларга қарши курашиш тўғрисида кўрсатилган.

Ушбу конвенция, жиноят ишида қатнашувчи гувоҳлар ва уларнинг яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Агарда жиноят ишида қатнашувчи шахсларга жиноят иши билан боғлиқ ўч олиш ва қўрқитиш таҳдиди мавжудлиги аниқланса, ушбу конвенцияда самарали ҳимоя қилиш механизми ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Конвенциянинг 24-моддасида гувоҳни ҳимоя қилиш чорасини қўллаш билан бирга, айбланувчининг ҳуқуқларини ҳам таъминлаш ҳамда зарар етказмасликка қаратилган. Гувоҳларни бир ердан бошқа ерга кўчириш, гувоҳларга оид маълумотлар ва жойлашган ерини сир сақлаш ҳамда кўрсатув беришда видеоалоқа орқали қўллаш каби қоидалар ўрнатилган. Бундан ташқари, Конвенциянинг 24-моддаси 3-параграфиди давлат ҳимоясида бўлган гувоҳларни бошқа давлатга кўчириш бўйича давлатларо шартнома ёки келишув тузиш бўйича тарафларнинг ўзаро келишуви тартибга солинган.

Юқоридаги Конвенцияга ўхшаш 2003 йил 31 октябрида БМТ томонидан коррупцияга қарши кураш бўйича "Жабрланувчи, эксперт ва гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конвенция ҳам қабул қилинган. Ушбу Конвенциянинг 32-моддасида "ҳар бир Давлат – ўзининг имкониятларидан ва ички қонунлар тизимидан келиб чиққан ҳолда жиноят иши бўйича кўрсатув бераётган шахслар, яъни эксперт, гувоҳлар, ва уларнинг яқин қариндошларига ҳамда уларга яқин бўлган шахсларга жиноят иши билан боғлиқ ўч олиш ва қўрқитиш таҳдиди аниқланганда, хавфсизлик чораларини таъминлаш бўйича самарали механизминини ишлаб чиқиш тадбирларини кўриш бўйича тавсиялар мустақамланган".

Халқаро характердаги актлардан ташқари, айрим Европа давлатлари ва уларнинг уюшмалари томонидан қабул қилган қонунлар ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги тажриба бизда катта қизиқиш уйғотди.

Европа давлатлари ичида халқаро характер тусидаги ҳуқуқий акт биринчи бўлиб, 1987 йил 17 сентябрда Европа Кенгашининг министрлар Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу актда жабрланувчига ёки зарар кўриш эҳтимоли бор шахсларга огоҳлантириш ҳамда ёрдам кўрсатиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилиб, унда қуйидаги муҳим терминлар ишлатилган:

- “қўрқитмоқ” - бу гувоҳга тўғридан-тўғри, эгри ёки потенциал таҳдиддир. У гувоҳнинг кўрсатув бериши билан боғлиқ бўлиб ўз фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш эҳтимоли мавжудлигидир;

- “махфийлик”, аввало бу гувоҳга тегишли бўлиб, хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг шахсига оид маълумотлар айбланувчидан сир сақланишидир. Лекин, гувоҳнинг дастлабки маълумотлари айбланувчининг адвокатига махфийлик тамойилига амал қилган ҳолда маълум қилиниши мумкин.

Қўрқитмоқ — бу тўғридан-тўғри ёки эгри таҳдид тушунчасини ўз ичига олади. Гувоҳга тўғридан-тўғри таҳдид эса аниқ таърифга эга. Мисол учун бунда ўлдириш таҳдидини ёки соғлиғига оғир шикаст етказишни тушунишимиз мумкин. Бироқ, тўғридан-тўғри таҳдид деганда ўлдириш ёки соғлиғига оғир шикаст етказишни тушунишимиз етарли эмас. Таҳдид деганда гувоҳга ва жиноят ишида қатнашувчи бошқа шахсларга реал хавфи билан зўрлик ишлатиш, мол мулкига зарар етказиш ёки йўқ қилиш ва бошқа қонунга зид ҳаракатларни амалга оширишни тушунмоғимиз лозим.

“Қонунга зид бошқа хавфли қилмиш” деганда тўғридан-тўғри таҳдид тушунилоғи лозим. Ушбу қилмишлар албатта хавфли ва қонунга зид бўлиши керак. Агарда махфий гувоҳга нисбатан таҳдидлар хавфли ва қонунга зид бўлмаса, хавфсизлик чоралари қўлланилиши кўзда тутилмаган. Мисол учун, “терговчига ва судга кўрсатув беришдан олдин, фарзандларингни ўйла” деган таърифда ҳеч қандай хавфли ва қонунга зид қилмишнинг белгилари кўринмаяпти ҳамда ҳимоя қилиш учун қарор қабул қилишга асос ҳам бўлмайди.

Шунинг учун қонунчилик нормаларига махфий гувоҳга аниқ хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос (ўлдириш, зўрлик ишлатиш, мол мулкига зарар етказиш ёки йўқ қилиш) таърифларни тўлдириш (реал хавф, юқори даражада эҳтимоли мавжудлиги) мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи принципал элемент - “қўрқитмоқ” термини мазмунида потенциал таҳдид юз бериши мумкинлиги назарда тутилади. Бунда тўғридан-тўғри ёки эгри йўл орқали яқин келажақда гувоҳга нисбатан қонунга зид ҳаракатлар амалга оширилиши хавфини тушунмоғимиз лозим. Демак, таҳдид шу вақтгача юз бермаган, балки таҳдид юз бермаслиги ҳам мумкин ёки юқори даражада юз бериши эҳтимоли бор деб тушунмоғимиз керак.

Учинчи принципал элемент - “қўрқитмоқ” деганда келгусида адолатни рўёбга чиқаришга ёрдам бераётган гувоҳга тўсқинлик қилишдир (гувоҳ ўз фуқаролик бурчини бажаришга). Бунда жиноят ишини олиб бораётган мансабдор шахс келгусида юз бериши мумкинлиги башоратини қилишга мажбур.

Жиноят процессида “махфийлик” термини тўғридан-тўғри гувоҳга тааллуқлидир. Бунда гувоҳга оид маълумотларнинг айбланувчидан сир сақланишини тушунагимиз. Процессуал ҳужжатларда махфийлик сўзи ишлатилишидан мақсад, махфий гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Манфаатлар мувозанатини сақлаш ва тортишувчанликни таъминлаш мақсадида айбловчи тарафга махфий гувоҳнинг дастлабки маълумотлари айбланувчининг адвокатига маълум қилиниши мумкин. Фақат бундай имконият маълум бир шартларга риоя этилишини талаб қилади: яъни, адвокат “махфийлик тамойили”га амал қилиши керак.

Мисол учун РФ ЖПКнинг 278-моддаси 6 қисмида “тарафларга махфий гувоҳга оид маълумотлар билан танишиб чиқиш учун рухсат берилади фақат, маълум бир шартларга риоя қилган ҳолда”, деб мустаҳкамланган. Биринчи бўлиб, махфий гувоҳга оид маълумотларни ошкор қилиш учун судга асосланган илтимоснома билан мурожаат қилиниши керак. Бундай илтимосномани қондириш ёки қондирмаслик суднинг ҳуқуқидир лекин, унинг мажбурияти эмас.

Агарда РФ ЖПКни халқаро ҳужжат билан таққосласак, РФ ЖПКда “махфийлик принципи” белгилаб қўйилмаган балки, жиноят иши бўйича маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти бўйича тилхат олиниши ва жиноят иши материаллари билан танишиб чиқишга фақат ҳимоячига рухсат этилиши назарда тутилган. Дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилмаслик тўғрисидаги тилхатнинг фақат суриштирувчи ва терговчидан олиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо, ушбу РФ ЖПК 161-моддаси матнида суднинг ошкор қилмаслик тўғрисида тилхат олиши кўрсатилмаган шунингдек, жиноят процесси диспозициясида ҳам субъект сифатида кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, жиноий судлов ишларини юргизишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тартибга соладиган яна бир халқаро ҳужжатларидан бири бу – Маастрихт шаҳрида 1992 йил 7 февралда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган шартномадир.

Ушбу шартноманинг VI бўлимида, “Одил судлов соҳасида ва ички ишларда ҳам ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисидаги Низом”да давлатлараро даражада жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш хусусан, терроризмга қарши курашиш, ноқонуний наркотика операцияларини амалга ошириш ҳамда бошқа оғир шаклдаги халқаро жиноятлар соҳасида полиция билан ҳамкорликни амалга ошириш келишиб олинган.

К.А. Красновнинг айтишича, Европа Иттифоқида гувоҳни ҳимоя қилишдан мақсад қуйидагилар ҳисобланади:

1) *Testify before courts* – гувоҳга суиқасд қилиш, кўрқитиш ва оммавий чиқишлардан ҳимоя қилиш, яъни бу ерда уюшган жиноятчилик ва терроризм ҳақида гап кетмоқда;

2) *Protection life* – гувоҳ ва унинг яқин кишилари ҳаётини ва соғлигини ҳимоя қилиш;

3) *Social integration* – гувоҳ ва унинг оила аъзоларининг бошқа яшаш манзилига ўтиши, уларга янги иш жойи ва болаларга мактаб қидириб топишга ёрдам кўрсатиш.

ЕИ аъзо давлатларда жиноятчиликка қарши курашиш ҳолатига қараб гувоҳларни ҳимоя қилишнинг турли хил ҳуқуқий тизимлари ишлаб чиқилган.

Экспертлар, гувоҳларни ҳимоя қилиш дастурининг оширилишини уюшган жиноятчиликнинг ўсиши ва террористик гуруҳлар фаолиятида кенгроқ намоён бўлиши билан боғлаб ўтадилар.

1998 йилда МДХ давлатлари иштирокчилари ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича шартнома имзоланган. Ушбу шартнома МДХ давлатлари ўртасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади. Унинг мазмунида келтирилишича, жиноий судлов ишларини юргизишда гувоҳлар ва бошқа иштирокчиларнинг ҳимоя қилиниши белгилаб олинган.

Бизнинг фикримизча ушбу ҳужжат махфий гувоҳларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашда давлат органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун норматив база ҳисобланади.

Ушбу йўналишда ҳамкорликни амалга ошириш натижасида, махфий гувоҳларни қонунга зид равишда ушлаб туриш ёки таъсир ўтказиш ҳамда хавфсизлигини таъминлашда давлатлар ўртасида ҳимоя қилишнинг самарали йўллари оширади (мисол учун хорижий мамлакатга, ҳимоя қилинувчи шахс янги жойга кўчиб бориши каби).

1997 йилда жабрланувчи, гувоҳлар ва бошқа судлов ишларини юргизишда кўмаклашувчи шахсларни ҳимоя қилиш типидagi қонун қабул қилинган.

Ушбу қонун одил судловни рўёбга чиқарувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган ва кўпгина давлатларда жиноят процессида қатнашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашда тартибга солувчи норма бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда миллий қонунчиликнинг ривожланишига ва кўплаб қонуности актларнинг қабул қилинишига омил бўлиб келмоқда.

Юқорида кўрсатилган МДХ давлатлари томонидан 1997 йилда қабул қилинган жиноятларга қарши курашиш учун жиноий судлов ишларида қатнашувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги модел типидagi қонуннинг 2-моддасида нафақат жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш назарда тутилган балки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига жиноят ҳақида хабар берган ёки бошқа бир ҳолатда яъни, йўқолган нарса-ни қидириб топишда қатнашган, жиноят ҳақида огохлантирган, жиноятнинг олдини олишда ёки фош этишда иштирок этган шахслар ҳам ҳимоя қилиниши назарда тутилган. Бизнинг фикримизча, жиноят процессида бундай шахсларни ҳимоя қилиш ва давлат томонидан хавфсизлик чораларини қўллаш жуда муҳим саналади.

Ушбу модел типидagi қонуннинг 6-моддаси мазмунида жиноят ишида махфий гувоҳнинг иштирок этиши ёритилган. Унда ёзилишича,

*Ҳушёр бўл, дунё сени
фитнага бошламасин.
Сендан олдин яшаб ўтган
инсонлар ҳам ту
ҳола тушмишган. Дунё
мўминларни ўзига
маҳлиё қилиб олади.
Кейин эса жору зор
қилади.*

Умар ибн
АБДУЛАЗИЗ.



химоя остидаги шахснинг хавфсизлигини таъминлаш деганда химоя остидаги шахсга оид маълумотларни жиноят материалларида ошкор қилмаслик, ўзгартириш ёки чеклаб қўйиш тушунилади.

Шунингдек, гувоҳ ва унинг яқинлари хавфсизлигини таъминлаш учун суриштирувчи ва терговчида етарли асослар мавжуд бўлиши керак. Ҳамда жиноят иши баённомаларида гувоҳ ва унинг яқинларига оид маълумотларни баённомада кўрсатмаслик талаб этилади ҳамда процессуал ҳужжатларни тузишда ҳам маълум бир қоидаларга амал қилиш талаб этилади.

Давлат томонидан химоя остидаги шахсга хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос яъни, унинг ҳаёти ва соғлиғига реал таҳдид мавжуд бўлиши керак, деб қонуннинг 6-моддасида мустақамланган. Шунингдек, химоя остидаги шахснинг фамилияси, исми ва шарифини ўзгартириш учун регионал ёки унга тенглаштирилган прокурор (республика прокурори), бош прокурор ёки унинг ўринбосарларининг санкцияси билан фақат оғир жиноятларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш мумкин.

Хавфсизлик чораси қўллаш учун асос бўлганда суриштирувчи ва терговчи химоя остидаги шахсга доир маълумотларни сир сақлашнинг сабаблари ва асосларини кўрсатган ҳолда қарор чиқариши лозим. Шунингдек, хавфсизлик чораларини қўллаш учун суриштирувчи ва терговчи келгусида жиноят процессуал ҳужжатларида қайси тахаллус остида иштирок этиши ва имзо намунасини гувоҳга кўрсатиб бериши керак бўлади. Гувоҳга оид маълумотлар алоҳида муҳрланган конвертда сақланади ва у билан фақат ишни олиб бораётган суриштирувчи, терговчи, назоратчи прокурор ёки судья танишиб чиқиши мумкин.

Хулоса ўрнида МДХ давлатлари томонидан махсулаштирилган модел типидagi қонунда жабрланувчи, гувоҳ, унинг яқинлари ва бошқа шахсларни химоя қилишга оид фикрларни инobatга олган ҳолда куйидаги таклифларни илгари сурамиз:

биринчидан, давлат вазифа ва функцияларини бажараётган яъни, жиноят ишларини олиб бораётган (кўмаклашаётган инсонлар ёки ташкилотлар), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья) ҳам хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, бунда ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш;

учинчидан, жиноят процесси муносабатларида иштирок этаётган субъектларни самарали химоя қилиш механизмини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, умумэътироф этилган нормаларни тадқиқ этиш, халқаро нормаларни ўрганиш ва уларни миллий қонунчилигимизга жорий қилиш конституцияда кўрсатилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш, уларни рўёбга чиқариш ва хавфсизлигини таъминлашнинг барчаси халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёт кечириш учун зарурдир.

Шавкат ХАҚНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби Касбий кўникмалар кафедраси мудири, ю.ф.ф.д.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Римский статут Международного уголовного суда [рус., англ.] (Вместе с “Пособием для ратификации и имплементации...”) (Принят в г. Риме 17 июля 1998 г. Дипломатической конференцией полномочных представителей под эгидой ООН по учреждению Международного уголовного суда) // Документ опубликован не был. СПС Консультант Плюс (дата обращения: 26.08.2015); Международная конвенция для защиты всех лиц от насильственных исчезновений (Заклучена в г. Нью-Йорке 20 декабря 2006 г.) // Документ опубликован не был. СПС Консультант Плюс (дата обращения: 26.08.2015) и др.
2. Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотреблений властью (Принята 29 ноября 1985 г. Резолюцией 40/34 Генеральной Ассамблеи ООН) // Документ опубликован не был. СПС Консультант Плюс (дата обращения: 11.11.2015).
3. Паукова Ю.В. Законодательство в сфере государственной защиты потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства // Вестник российской правовой академии. 2005. № 4. С. 66.
4. Конвенция против транснациональной организованной преступности (Заклучена в г. Нью-Йорке 15 ноября 2000 г.) (с изм. от 31 мая 2001 г.) // Собрание законодательства РФ. 2004. № 40. Ст. 3882.
5. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (принята в г. Нью-Йорке 31 октября 2003 г. Резолюцией 58/4 на 51-ом пленарном заседании 58-ой сессии Генеральной Ассамблеи ООН // Собрание законодательства РФ. 2006. № 26. Ст.2780.
6. Ромодановский К.О. Международные стандарты и принципы организации защиты участников уголовного судопроизводства // Российский следователь. 2005. № 9. С. 10-12.
7. Гриненко А.В. Поисковая деятельность защитника // Адвокатская практика. 2002. № 5. С. 31-32.
8. Частично это обусловлено тем, что ст. 161 УПК РФ закрепляет содержание одного из общих условий предварительного расследования, которые к судебному разбирательству прямого отношения не имеют.
9. Договор о Европейском Союзе (Вместе с «Протоколами», «Соглашением о социальной политике...», «Заклучительным актом», «Декларациями») (Подписан в г. Маастрихте 7 февраля 1992 г.) Единый европейский акт. Договор о Европейском союзе. - М.: Право, 1994. С. 45-246; Действующее международное право. Т. 3. - М.: Московский независимый институт международного права. 1997. С. 211-224.
10. Краснова К.А. Институциональные основы защиты свидетелей в Европейском союзе // Международное уголовное право и международная юстиция. 2014. № 1. С. 20-23.
11. Краснова К.А. Указ. соч. С. 20 - 23.
12. Соглашение о сотрудничестве государств - участников Содружества Независимых Государств в борьбе с преступностью (Вместе с «Печенем компетентных органов государств - участников Содружества Независимых Государств, осуществляющих сотрудничество в борьбе с преступностью») (Заклучено в г. Москве 25 ноября 1998 г.) // Бюллетень международных договоров. 2000. № 3. С. 3-10.
13. Модельный закон о государственной защите потерпевших, свидетелей и других лиц, содействующих уголовному судопроизводству” (Принят в г. Санкт-Петербурге 6 декабря 1997 г. Постановлением 10-14 на 10-ом пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ) // Информационный бюллетень. Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. 1998. № 16. С. 241-254 (далее сокращенно – Модельный Закон, Закон).

КОМПАНИЯНИ БОШҚАРУВЧИ ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИДА АЙБДОРЛИК

АННОТАЦИЯ:

фуқаролик ҳуқуқида ҳозирга қадар айбнинг моҳияти ҳақида икки хил ёндашув шаклланган: объектив айб концепцияси ва субъектив айб концепцияси. Ушбу тадқиқот ишида фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартларидан бири ҳисобланган айб категорияси, унга оид “айбдорлик презумпцияси”, “айбсиз жавобгарлик”, “аралаш айблилик” каби тушунчалар моҳияти очиб берилади ҳамда уларни юридик шахс бошқарув органлари жавобгарлигида қўллаш имкониятлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: айб, айбдорлик презумпцияси, айбсиз жавобгарлик, аралаш айблилик, юридик шахс манфаатлари, ҳалоллик, оқилоналик.

Фуқаролик ҳуқуқида умумий қоидага кўра айблилик презумпцияси амал қилади. Шунингдек, қонунчиликда қарздор ёки зарар етказувчининг айбидан қатъи назар жавобгарлиги юзага келадиган ҳолатлар ҳам мустаҳкамланган (масалан, ЎЗР ФК 333-м. 2-қ, ФК 999-м. ва ФК 1021-м.). Фуқаролик ҳуқуқида ҳозирга қадар айбнинг моҳияти ҳақида икки хил ёндашув шаклланган: объектив ва субъектив айб концепцияси.

Айбга нисбатан субъектив ёндашув вакиллари фикрига кўра, айб шахснинг ўз хатти-ҳаракати ва унинг оқибатларига нисбатан бўлган психологик муносабатини ифодалайди. Яъни, шахс ўз хулқ-атворининг ҳуқуққа хилоф эканлигини ва улар натижасида салбий оқибатлар келиб чиқишини билган ёки билиши лозим бўлгани ҳолда хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлса, тегишлича қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида зарар етказган ҳисобланади.

Объектив айб концепцияси тарафдорлари фикрига кўра фуқаролик ҳуқуқида муайян хатти-ҳаракат натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни барта раф этиш ёки олдини олиш учун зарур бўлган чораларни кўриш имконияти бўла туриб, шундай чораларни кўрмаслик шахснинг айбдорлигини; муайян ҳолатда ўзига юклатилган мажбуриятлар хусусиятини ҳисобга олиб ундан талаб этиладиган оқилона даражадаги ғамхўрлик ва эҳтиёткорликка риоя этиб ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўриш эса унинг айбсиз эканлигини кўрсатади.

Айрим ҳолатларда мажбурият бузилишида (зарар етказилишида) нафақат қарздор (зарар етказувчи), балки кредитор (жабрланувчи) ҳам айбдор бўлади. Ёки қарздор (зарар етказувчи) айбидан қатъи назар жавобгарликка тортилдиган ҳолатларда ҳуқуқбузарлик кредитор (жабрланувчи) нинг айби билан ҳам содир этилади (аралаш айблилик). Бундай ҳолатларда суд тарафларнинг айбдорлик даражасига қараб жавобгарлик ҳажмини камайтиради. Аралаш айблиликка оид қоидалар ФКнинг 335 ва 1004-моддаларида белгиланган.

Юридик шахс иштирокчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигида айб масаласини мажбуриятлар бўйича умумий қоидалар ҳамда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга оид қоидалар бўйича кўриб чиқиш ўринли. Хусусан, ЎЗР ФКнинг 333-моддасига мувофиқ қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби бўлган тақдирда жавоб беради,

агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

ЎЗР ФКнинг 985-моддасида эса ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек, зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Мазкур қоидаларга мувофиқ юридик шахс иштирокчиларининг ўз олдидаги белгиланган мажбуриятларини бузган ҳолларда айбли эканлиги презумпцияси амал қилади. Улар жавобгарликдан озод бўлиши учун юридик шахсга зарар етказилишида айби йўқ эканлигини исботлаши зарур.

Амалга оширилган таҳлиллар давомида юридик шахс бошқарув органлари аъзоларининг айблилиги масаласига оид бир-бирига номувофиқ бўлган ёндашувлар аниқланди. Қонунчиликда бошқарув органларининг юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб боришдан иборат фидуסיар мажбурияти назарда тутилган. Ҳуқуқий адабиётларда ҳалол ва оқилона иш юритиш билан шахснинг айбсизлиги айнан бир ҳодисани ифодаловчи тушунчалар эканлиги кўрсатилади. Уларда ҳалоллик ёки ноҳалоллик тушунчаларининг мос равишда айбсизлик ва айблиликни билдириши кўрсатилган. Хусусан, М.И.Брагинскийнинг фикрига кўра шахснинг ҳалоллик ва оқилоналик принципларини бузиши, айна дамда унинг айбдор эканлигини англатади. Худди шундай фикрни Г.Л.Рубеко ҳам тасдиқлайди. А.В.Богданов ҳамда А.А.Клячин фикрларига кўра жамият бошқарувини амалга ошираётган шахснинг айби жамият манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиш мажбуриятини бузишда, фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларига кўра эҳтиёткор ва ғамхўр раҳбардан талаб этиладиган зарур чораларни имкони бўла туриб кўрмасликда акс этади.

В.И.Емельянов томонидан таъкидланишича, бошқа шахсга зарар етказиш учун қасддан ҳаракат қилмайдиган, шунингдек фаолияти натижасида зарар этиши мумкинлиги-

га ўз-ўзига ишониш ёки эътиборсизлик билан муносабатда бўлмайдиган шахс ҳалол ҳисобланади.

Бундан кўришиб турибдики, ҳалоллик моҳиятан айбсизлик таърифига мос тушади ҳамда шахснинг ноҳалол иш олиб бориши ўз-ўзидан унинг айбдор эканлигини назарда тутади.

Шахснинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилаётганлигини "билганлиги" аниқ фактлар билан тасдиқланса, "билиши лозим бўлганлиги" унинг хатти-ҳаракатини тегишли соҳадаги ўртача ақли расо шахс амалга ошириши мумкин ва зарур бўлган хатти-ҳаракатга солиштириш орқали аниқланади.

Ноҳалоллик (инсофсизлик) айблилик каби интеллектуал ҳамда иродавий томонларга эга бўлади: 1) ўз хатти-ҳаракати аҳамиятини англаш ва унинг бошқа шахсларга зарар етказиш эҳтимолини олдиндан кўра билиш; 2) зарар етишини хоҳлаш ёки хоҳламаслик ҳар икки тушунчага ҳам хос.

Оқилоналик дейилганда эса, А.Суханов фикрига кўра, одатдаги маънода ҳолатни англаб етганлик, шахснинг интеллектуал салоҳияти, хулқ-атворнинг мантиқийлиги ва мақсадга мувофиқ эканлиги назарда тутилади.

Оқилоналик юридик тушунча сифатида шахс хулқ-атворининг объектив томонини тавсифловчи тушунча ҳисобланади. Шахс фаолиятининг оқилона эканлиги ушбу фаолиятни муайян ҳолатда тегишли соҳадаги ўртача шахс хулқ-атворига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги билан таққослаш орқали аниқланиши мумкин.

Ушбу таърифлардан кўришиб турибдики, ҳалоллик (ноҳалоллик) мазмуни фуқаролик ҳуқуқида шакланган субъектив айб концепцияси мазмунига, оқилоналик мазмуни эса объектив айб концепцияси мазмунига мос келади. Қонунчиликда бундай ёндашув шаклланиши – инглиз-америка ҳуқуқ оиласида компанияни бошқарувчи шахсларнинг жавобгарлиги асоси: фидуциар мажбуриятлар бузилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар эканлиги, айб жавобгарликнинг алоҳида шарти сифатида ўрнатилмаслиги; рус корпоратив ҳуқуқида эса айблилик жавобгарликнинг алоҳида шарти сифатида белгилангани ҳолда мазкур баҳоланувчи категориялар ҳам қонунчиликка киритилганлиги оқибати эканлиги қайд этилади.

Бироқ, ҳалол ва оқилона иш олиб боришни айбсиз хатти-ҳаракатга тенглаштириш презумпциялар рақобатини вужудга келтиради. Чунки ЎзР ФКнинг 9-моддаси 3-қисмига асосан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Яъни ушбу қоидага кўра, шахслар хулқ-атворининг ҳалол ва оқилона эканлиги презумпцияси мустаҳкамланган бўлиб, ҳолат аксинча эканлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш мажбурияти даввогарнинг зиммасида бўлади. ЎзР ФКнинг 333 ва 985-моддаларига асосан эса шахснинг айбдорлик презумпцияси белгиланган бўлиб, шахс жавобгарликдан озод бўлиши учун мажбурият бузилишида (зарар етказилишида) айби йўқ эканлигини, оқилона позициядан қараганда ўзидан талаб этиладиган барча зарур ва имкони бўлган чораларни кўрганлигини исботлаши талаб этилади.

Фикримизча, юридик шахс бошқарув органларининг айбдорлиги ва исботлаш масалаларига қуйидагича ён-

дашиш ўринли бўлади. Юридик шахсга етказилган зарар бўйича бошқарув органлари аъзолари зиммасига жавобгарлик юклаш учун улар томонидан фидуциар мажбуриятлар бузилганлигини, хусусан, манфаатлар тўқнашуви ҳолатида иш юритиш тартибини бузганлик, юридик шахс активларини у учун фойдасиз шартларда реализация қилганлик, унинг бизнес имкониятларини ўзлаштирганлик, юридик шахс фаолиятига оид сир тугилиши лозим бўлган ахборот махфийлигига риоя этмаганлик, дебиторлик қарзларини белгиланган муддатларда ундириш чораларини кўрмаганлик каби ҳолатларни кўрсатувчи далиллар тақдим этилиши керак.

Ушбу ҳолатларга йўл қўйилганлиги, ўз навбатида, ЎзР ФКнинг 333 ва 985-моддаларига мувофиқ бошқарув органлари аъзоларининг айбдорлиги презумпцияси ҳақида фикр юритиш асоси бўлади. Шунингдек, бошқарув органи аъзолари жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айбсиз эканлигини, юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб борганлигини исботлаши мумкин. Жумладан, фойдасиз шартларда тузилган битимнинг юридик шахс учун кўпроқ фойда келтирадиган бошқа битимларни тузиш имконига эга бўлиш мақсадида тузилганлиги (масалан, арзон ва сифатли хомашёга эга бўлиш учун контрагентга арзон нархда ёки текинга муайян активларни ўтказиш), шунингдек фойдасиз шартларда бўлса ҳам битим тузиш орқали юридик шахс манфаатларига каттароқ зарар етказилишининг олди олинганлиги (тез бузиладиган ёки мавсуми тугаётган маҳсулотларни арзон нархда сотиш) ҳолатлари исботланган тақдирда бошқарув органи аъзоларининг жавобгарлиги истисно этилиши керак.

Азимжон ИБРОҲИМОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Назарова Е.Н. Гражданско-правовая ответственность членов органов управления хозяйственных обществ: дисс...канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2015. – 183 с.
2. Гражданское право: Учебник. В 2 т. / Под ред. Б.М. Гонгало. Т. 1. 2-е изд. перераб. и доп.– М.: Статут, 2017. – с. – 323.
3. Брагинский М.И. Комментарий части первой Гражданского кодекса Российской Федерации. – М., 1995. – с. 105
4. Рубеко Г.Л. Правовой статус органов управления акционерных обществ. – М.: Статут, 2007. 158 с.
5. А.В. Богданов, А.А. Клячин, Условия и основания гражданско-правовой ответственности лица, осуществляющего функции единоличного исполнительного органа акционерного общества // Вестник Пермского университета. – 2012. – № 3(17). – с. 62 – 71.
6. Емельянов В.И., Разумность, добросовестность, незлоупотребление гражданскими правами – М.: "Лекс-Книга", 2002. – 151 с.
7. Богданов Е. Категория "добросовестности" в гражданском праве // Российская юстиция. – 1999. – Н 9. – С. 12.
8. Брагинский М.И. Осуществление и защита гражданских прав// Вестник Высшего Арбитражного суда. – 1995. – Н 7. – С. 101.
9. Емельянов В.И., Разумность, добросовестность, незлоупотребление гражданскими правами – М.: "Лекс-Книга", 2002. – 10, 195 с.; Турбина И. А. Гражданско-правовая ответственность исполнителей органов хозяйственных обществ в РФ, ЕС и США: дисс...канд. юрид. наук. – Волгоград, 2016. – с. 104.; Гутников О. В. Гражданско-правовая ответственность в отношениях, связанных с правлением юридическими лицами: дисс. ... д-ра. юрид. наук. – Москва, 2018. – с. – 101.UDK: 343.131.7(045)(575.1)

ДЕПУТАТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ТУШУНЧАСИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада депутатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тушунчаси, унинг тузилиши, депутатлик мандатининг сиёсий ва ҳуқуқий табиати, унинг пайдо бўлиши, тугатилиши, амал қилиш муддати, шунингдек депутатларнинг ҳисобдорлиги, масъуллиги ва жавобгарлиги ҳақида фикр юритилади.

Таянч иборалар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, депутат, конституциявий-ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти, вакиллик органи, қонун, шахс, давлат органлари, депутатлик мандат.

Ҳуқуқий мақом умумий ҳуқуқ назариясининг асосий ва кенг тарқалган ҳуқуқий категорияларидан бири ҳисобланади. Айнан шу ҳуқуқий категория ёрдамида ҳуқуқий субъектларнинг табиати, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни, уларнинг бошқа субъектларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар аниқланади. Ҳам давлат ҳокимияти, ҳам мансабдор шахснинг конституциявий ва ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан ҳокимиятларнинг бўлиниш тизимидаги, давлат органлари тизими ва тузилишидаги мавқеини белгилашга таъсир қилади, фаолиятнинг асосий йўналишини, ваколатларнинг хусусиятини ва бошқаларни белгилайди.

Ўз навбатида, депутатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тушунчаси, унинг тузилиши ва ушбу таркибий элементларнинг мазмуни муаммоси ҳозирги вақтгача доимий эътиборни ва кўриб чиқилишини талаб қиладиган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада ҳуқуқшунос Н.В. Витрук ҳақли равишда шундай таъкидлайди: “депутатнинг ҳуқуқий мақоми фуқаронинг депутат сифатида намоён бўладиган ҳуқуқий мақомининг алоҳида турларидан биридир. Ушбу махсус мақом “фуқаро”нинг махсус фаолияти билан боғлиқ жамият ва давлатдаги ҳуқуқий ҳолатидир ва у тегишли махсус нормалар билан тартибга солинади”.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми мураккаб ва кўп қиррали конституциявий-ҳуқуқий институт ҳисобланади. Қоида тариқасида, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми сифатида, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тўплами билан белгиланадиган депутатлик мандатининг сиёсий ва ҳуқуқий табиати, унинг пайдо бўлиши, тугатилиши, амал қилиш муддати, депутатларнинг ваколатлари билан боғлиқ жамоатчилик билан алоқалар (ҳуқуқ ва мажбуриятлари), уларнинг фаолияти кафолатлари, шунингдек депутатларнинг ҳисобдорлиги, масъуллиги ва жавобгарлиги тушунилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги 2004 йил 2 декабрдаги қонуни билан белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг маҳаллий аҳолининг манфаатларини максимал даражада акс эттиришга қаратилган алоҳида роли туфайли маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тушунчаси катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Мазкур мақом давлат ҳокимиятининг вакиллик тизимида депутатнинг ўрни ва ролини белгилайди.

Шу ўринда, М.В.Баглайни фикрига кўра давлат ҳокимияти вакиллик органи аъзосининг конституциявий-ҳуқуқий мақомига тегишлича, назарияда иккита - тор ва кенг ёндашувнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Тор ёндашув доирасида мақом тузилишида иккита компонент ажралиб туради - бу субъектив ҳуқуқлар ва қонуний мажбуриятлар, баъзида учинчиси ҳам учрайди - бу жавобгарликдир.

Кенг ёндашув, шубҳасиз, элементларнинг янада мураккаб тузилиши билан тавсифланади. А.А.Безуглов, ҳуқуқ ва бурчлар (ваколатлар) билан бир қаторда, депутатнинг ҳуқуқий мақомига депутатлик мандатининг сиёсий-ҳуқуқий табиати, депутатлик мандатининг пайдо бўлиши ва амал қилиши муддатларини; депутатлик ваколатларини амалга ошириш кафолатларини; депутатларнинг ҳисобдорлиги, жавобгарлиги ва рағбатлантирилишини киритмоқда.

О.О.Миронов “депутатнинг мақоми – бу унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган депутатлик фаолиятининг шакллари ва кафолатлари”, деб ҳисоблайди.

А. В. Зиновьев, ўз навбатида, халқ депутатининг ҳуқуқий мақоми тизимида қуйидаги элементларни киритади: депутатлик мандатининг императивлиги, халқ депутатлари функциялари, халқ депутатларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва улар фаолиятининг шакллари, шунингдек депутатлик фаолиятининг кафолатлари.

Амал қилиниши керак бўлган кенг ёндашув нуқтаи назаридан, “депутат мандати” тоифасининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг “конституциявий ва ҳуқуқий мақоми” тоифаси билан ўзаро боғлиқлиги масаласи маълум бир мураккабликни келтириб чиқармоқда.

Конституциявий ҳуқуқ тадқиқотчиларининг фикрларига асосланиб, ушбу масала бўйича учта нуқтаи назарни ажратиш мумкин:

биринчидан, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органи депутатининг “мандати” ва “ҳуқуқий мақоми” тушунчалари мазмунан бир хил деб эътироф этилмоқда;

иккинчидан, “ҳуқуқий мақом” тушунчаси кенгроқ, деб ҳисобланмоқда, чунки депутатлик мандати унинг ҳуқуқий мақомининг элементи деб билишмоқда;

учинчидан, “депутатлик мандати”га “ҳуқуқий мақом” тоифасидан фарқ қиладиган бироз бошқача ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралади. Хусусан, А. Т. Карасевнинг тадқиқотлари натижасида депутат мандати депутатнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва конституциявий-ҳуқуқий мақомининг бошқа элементларига қараганда анча барқарор сиёсий-ҳуқуқий ишланмалар сифатида белгиланмоқда. Бунда мавжуд депутатлик мандатининг асоси (эркин, императив, аралаш) сақланган ҳолда уларнинг хусусиятлари бирмунча ўзгариши мумкин.

Шуни таъкидлаш мумкинки, асосан “депутатлик мандати” тоифаси “ҳуқуқий мақом” билан белгиланади ёки унинг элементларига киритилади.

Ушбу тоифаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги саволга жавобни давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати, мансабдор шахс ва халқ вакили мақомининг икки томонлама хусусиятидан излаш керак. Агар “конституциявий-ҳуқуқий мақом” тоифаси депутатни кўпроқ ҳокимият вакили, мансабдор шахс сифатида тавсифласа, у ҳолда “мандат” тоифаси унинг позициясини халқ вакили, ҳудуд аҳолиси нуқтаи назаридан белгилайди. Шунинг учун бу тушунчаларнинг кесишиш каби муносабати аниқроқ бўлади. Депутатлик мандатининг баъзи элементлари ҳуқуқий мақомдан ташқарида ва кўпроқ сиёсий рангга эга.

Масалан, депутат томонидан сайловчилар билан муносабатларни ўрнатишга оид танланган сиёсат кўп жиҳатдан сайловчиларнинг депутатлар ҳокимиятига ва натижада улар ўртасидаги муносабатларга бўлган ишончига таъсир қилади, аммо мазкур сиёсат ҳуқуқий соҳага тааллуқли эмас. Депутат ҳуқуқий мақомининг бошқа элементлари, аксинча, депутат мандатидан ташқарига чиқади. Улар орасида:

1) *оммавий ҳокимият вакиллик органи билан муносабатларда депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги;*

2) *депутатнинг давлат ҳокимияти вакиллик органига сайланишидаги ўзи аъзо бўлган сиёсий партия билан муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, масъуллиги;*

3) *депутатнинг ўзи аъзо бўлган фракция билан муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек масъуллиги.*

Шулардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, депутатнинг фаолияти ҳуқуқий муносабатларнинг икки турида намоён бўлади: биринчиси, бу мандатли – фақат сайловчилар манфаатларини ифодалаш би-

лан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ва иккинчиси – мандат ташқарисида бўлган, депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда сайловчилар билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатининг ҳуқуқий мақоми ва мандатининг элементлари бир-бири билан боғлиқ ва асосан бир-бирини ўзаро ифодалайди. Масалан, депутатнинг сайловчилар билан муносабатларининг табиати депутатнинг ҳуқуқ ва бурчларига, жавобгарлик даражасига ва депутатнинг фаолият шаклларига таъсир қилади.

Шундай қилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатининг мандати, ушбу ҳуқуқий тоифанинг мустақиллигига қарамай, депутатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомининг энг муҳим ва асосий элементи бўлиб, бошқа элементларга нисбатан бирламчи ҳисобланади.

Депутатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми икки шартли даражадан иборат. Биринчи даражага депутатнинг вакиллик органидаги, яъни умумдепутатлик жамоаси таркибидаги ўрнини тенглик асосида белгилайдиган элементлар киради. Иккинчи даража депутат ва аҳоли (сайловчилар) ўртасидаги муносабатлар моделини белгилайди.

Шу билан бирга, А. Н. Костюковнинг “депутатнинг ҳуқуқий мақоми бевосита мандат турига боғлиқ”, деган фикрига қўшилиш мумкин. Депутатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини депутатлик мандати модели билан олдиндан белгилаш депутатнинг асосий функцияси - халқ манфаатларини, маҳаллий аҳоли депутатлик фаолиятининг ҳуқуқий моделида, депутатнинг ҳақиқий конституциявий-ҳуқуқий мақомининг намоён бўлиши сифатида баҳоланиши мумкин.

Айнан мандатнинг табиати депутат вакиллик функциясининг ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқ ва бурчларининг хусусиятини, депутат ваколатларининг сайловчилар иродаси билан боғлиқлик даражасини, депутатнинг фаолият шакллари амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини, депутатнинг жавобгарлиги турларини белгилайди.

Шунинг учун давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи депутати мандатининг табиати унинг конституциявий-ҳуқуқий мақомининг элементларида акс этади. Шу ўринда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи депутатининг конституциявий-ҳуқуқий мақомининг элементлари депутатлик мандати хослигини аниқлаштиришга имкон беради.

Элбек НАЗАРОВ,

Тошкент давлат аграр университети Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Витрук Я. В. Структура правового статуса депутата (вопросы теории) // Закон о статусе депутата на практике (материалы науч.-практ. конф.). Ярославль, 1986. С. 20-23.
2. Баглай М. В. Конституционное право Российской Федерации: Учеб. для вузов. М., 2001. С. 555;
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишининг асосларини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги долзарб муаммолар кўриб чиқилган. Муаллиф “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимча киритиш юзасидан таклиф берган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув тадбирлари, уларни ўтказиш учун асослар, сабаблар, амалдаги асослар, ҳуқуқий сабаблар, разведик излов.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида тезкор-қидирув фаолияти қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият сифатида таърифланган. Шунингдек, олимлар Б.Э.Закиров ва В.Г.Каримов: “Тезкор-қидирув тадбирлари институти тезкор-қидирув қонунчилигини амалга ошириш механизми ҳисобланиб, қонуннинг ўзаги, яъни асосий қисмини ташкил этади”, деб фикр билдирганлар. Қонунда берилган таъриф ҳамда олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш бизга тезкор-қидирув фаолияти фақат тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Қонунда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд.

Биринчидан, қонуннинг 15-моддаси “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар”, деб номланган бўлиб, унда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун “сабаблар” ҳам “асослар” сифатида берилган.

Иккинчидан, ушбу моддада белгиланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари тезкор-қидирув амалиётида жиноятларни аниқлаш каби вазибаларни бажариш имкониятини бир мунча чеклайди.

Қонуннинг 15-моддасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун “сабаблар”нинг “асослар” сифатида берилганлиги ҳақида фикр юритдик. Бу “асослар” тезкор-қидирув фаолияти назариясида амалдаги (чин) асослар ва юридик (расмий) сабаблар каби икки турга ажратилган. Амалдаги (чин) асослар деганда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни талаб қилувчи бирор жиноий ҳодиса ҳақида маълумотлар мавжудлиги тушунилади. Юридик (расмий) асослар деганда эса жиноий ҳодисалар ҳақидаги расмий ҳужжатлар назарда тутилади.

Шу билан бирга, “сабаблар” ва “асослар” ўртасидаги фарқни яхшироқ тушунишимиз учун жиноят процессига мурожаат қилишимиз лозим. Жиноят процессида (ЖПКнинг 322-м.) “сабаблар” ва “асослар” ўртасидаги фарқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра жиноят ишини кўзғатиш учун:

1) шахсларнинг аризалари;

2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари;

3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;

4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлиши, жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар эса жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлиши белгиланган.

Биз ҳам юқоридагилардан келиб чиқиб, қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмида келтирилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асосларни “сабаблар” ҳамда “асослар” каби икки гуруҳга ажратиш, ушбу модданинг номланишига “сабаблар” сўзини киритишимиз керак. Биринчи гуруҳга — расмий жиҳатдан аниқланган сабаблар, яъни қонуннинг 15-моддаси биринчи қисми 1—2, 4—7-бандларида кўрсатилган асосларни, иккинчи гуруҳга эса ҳақиқий асос, яъни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун энг кўп учрайдиган асос — “агар жиноят иши кўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар” — киритилиши лозим. Ушбу “асос”ни таҳлил қилиш қуйидагича хулоса чиқаришимизга имкон беради. Тезкор ходимлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши учун, аввало, ноқонуний хатти-ҳаракат ҳақида маълумот (ахборот) олишлари керак.

Ахборотни олиш бевосита (масалан, тезкор ходим шахс билан юзма-юз мулоқот жараёнида маълумотни олиши) ва билвосита (масалан, ёзма аризалар, почта орқали қабул қилинган хабарлар ва бошқалар) бўлиши мумкин. Кўриб чиқиладиган асоснинг мазмунини ташкил қилувчи маълумотлар процессуал шаклда (масалан, жиноят ҳақидаги ариза, сўроқ баённомаси ва бошқалар) ёки нопроцессуал шаклда (масалан, тезкор йўллар билан олинган хабарлар) бўлиши мумкин.

Бироқ, шу ўринда табиий савол туғилади, агар режаланган тадбирлар, тайёргарлик кўриладиган ва содир

этилган жиноятлар тўғрисида жабрланувчиларнинг аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлар, яъни қонунда кўрсатилган асослар бўлмаса, нима қилиш керак? Бундай ҳолларда қонунийлик нуқтаи назардан келиб чиқсак, тезкор ходим жиноятларни аниқлаш ва (ёки) олдини олиш мажбуриятларини зиммасига олмайди. У тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга эмас. Жиноий ҳаракатлар мавжуд бўлса, улар ҳақида маълумотлар бўлади деб, эътироз билдиришингиз мумкин. Афсуски, бу фикрингиз ҳар доим ҳам тўғри бўлмайди. Криминологик адабиётларда батафсил тавсифланган, муайян сабабларга кўра расмий ҳисобга олинмаган, ваколатли давлат органларидан яширилган, латент жиноятлар тоифаси мавжуд.

Айниқса бу хусусият, коррупцион ва иқтисодий йўналишдаги жиноятларга, масалан пора олиш ва беришга хос. Ушбу жиноятлар яширинлик хусусиятига эга. Томонлар ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг якуний натижалари ва уларнинг сир сақланишидан манфаатдор. Пора талаб қилинаётгани ҳақида ариза ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар (маълумот) йўқлиги тезкор-қидирув ҳуқуқий муносабатларининг пайдо бўлиши ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш эҳтимоли йўқлигини англатади. Чунки тезкор ходимларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос йўқ.

Жумладан, Қонуннинг 15-моддасида белги-ланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари тезкор-қидирув амалиётида жиноятларни аниқлаш каби вазифаларнинг бажарилиши имкониятини бир мунча чеклашни мавжуд қонунчиликдаги нормалар тезкор-қидирув фаолиятининг разведик-излов хусусияти камайишига сабаб бўлаётганида кўришимиз мумкин.

Мазкур модда:

- 1) жиноят аломатларини аниқлаш мақсадида разведик-излов ишларини юритиш учун асос бўла олмайди;
- 2) тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг имконини бермайди;
- 3) профилактик мақсадларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун шарт-шароит яратмайди.

Кўриб чиқилаётган асосларни тезкор-қидирув фаолиятининг разведик излов моҳияти билан боғлаш учун бу фаолият тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз керак. Тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилади. Улар ишлаб чиқиш вақти, тури ва мақсадга йўналтирилганлигига қараб, тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув жараёнининг босқичларини ташкил этади. Тезкор-қидирув фаолияти назариясида тезкор излов, тезкор текширув ва тезкор ишлов каби кетма-кет босқичлар ажратилган.

Шундай қилиб, тезкор излов тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларидан бири эмас, балки барчаси

амалга оширилишини таъминлайди. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга асос бўлувчи расмий тезкор маълумотларнинг етишмаслиги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув жараёнининг биринчи босқичига ўтишга рухсат бермаганлиги сабабли, кейинчалик бошқа вазифаларни бажариш имкони бўлмайди.

Шу муносабат билан, тезкор-қидирув фаолиятида яширин жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни содир этган шахсларни фош этиш бўйича тезкор излов босқичи самарадорлигининг оширилишини таъминлаш мақсадида “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига қуйидаги мазмунда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур деб ҳисоблаймиз:

— ушбу моддани “тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш сабаблари ва асослари” деб номлаш;

— модда матнида “сабаблар” ва “асослар”ни алоҳида-алоҳида кўрсатиш;

— модданинг биринчи қисмига асос сифатида “режалаштирилаётган, тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган яширин (латент) жиноятларни аниқлаш зарурияти” деган бандни киритиш.

Мазкур таклифларнинг амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги принципи таъминланишига хизмат қилади. Ҳуқуқий соҳада тезкор-қидирув фаолиятининг жиноятларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишнинг самарали механизмини яратиб, ушбу фаолиятнинг кейинги вазифаларига ечим топади. Шу билан бирга, қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқнинг тўлдирилишига сабаб бўлади.

Набулло ХОЖИЕВ,

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

